БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ, МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ҲАМДА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 32 (3004). | Сешанба. 16 февраль 1965 йил. | Баҳоси 2 тийин.

КАТТА ВАЗИФАЛАР, ЮКСАК ТАЛАБЛАР

Коммунистик қурилиш авж олдириб юборилган ҳозирги замон шароитида партиянинг идеология ва ташкилотчи қуроли сифатида матбуотнинг кучи тобора ортиб бормоқда. Ленин партиясининг КПСС Программасини амалга оширишга, коммунизм қуришга қаратилган ўзгартувчи фаолияти қанчалик кўп қиррали бўлгани сингари, матбуотимизнинг вазифалари ҳам шунчалик кўп қирралидир.

В. И. Ленин совет матбуотининг юксак вазифаларини аниқ ва равшан белгилаб берди. Лениннинг экономикани юксалтиришда, оммавий мусобақани ривожлантиришда, пропаганда ишини хўжалик қурилишининг снёсий тажрибаси негизида қуришда матбуотимизнинг роли тўғрисидаги кўрсатмалари ҳозирги вақтда XX-XXI ва XXII съездларининг қарорлари билан қуролланган партиямиз бутун куч-ғайратни коммунизмнинг моддий техника базасини барпо этишга қаратаётган, янги инсонни тарбиялаш ишларини тобора кенг авж олдираётган бир вақтда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Партия Ленин кўрсатмаларига амал қилиб, матбуотни янада такомиллаштириш тўғрисида, унинг газетахонлар билан, авторлар активи билан алоқаларини мустаҳкамлаш ҳақида, матбуот сўзининг юксак даражада таъсирчан бўлиши тўғрисида ғамхўрлик қилмоқда. Партия камчиликларни тугатишда матбуот ходимларига ёрдам бермоқда, газета ва журналларимизнинг замон талаби даражасида бўлиши, ижтимоий турмушнинг жадал суръатидан орқада қолмаслиги учун ҳамма чораларни кўрмоқда.

Яқин ўтмишда баъзи бир матбуот органларига хос бўлиб келган жиддий нуқсонлар КПСС Марказий Комитети октябрь ва ноябрь Пленумларининг қарорларидан сўнг жуда равшан кўринди қолди. Шу нарсани эътироф қилмоқ керакки, баъзи бир газеталаримиз ишларинг ялтироқ томонини кўрсатишга берилиб кетиб, ҳодисаларни тахлил қилиш ўрнига дабдабабозлик билан шуғулланган вақт ҳам бўлди; шу газеталарнинг саҳифаларида снёсий дабдабабозлик жонли публицистикани бир чеккага қисиб қўйди. Хўжалик планларининг амалга оширилишини матбуотда ёритишда мақтончоқлик ва хотиржамлик кайфиятига йўл қўйилди.

Масалан, «Советская Кубань» газета редакцияси қишлоқ хўжалигидаги аҳволни сергаклик билан анализ қилишга ўринни ўрнига баландпарвоз гапларга кўпроқ ўрин берди. Газета саҳифаларида «Паррандачилик қўрғони», «Олий балл—биринчи ўринга қўйилмоқда» деган ва шу сингари дабдабали сарлавҳалар тез-тез чиқиб турар эди. Ана шундай дабдабабозликка берилиб кетган газета Краснодар ўлкасининг қишлоқ хўжалиги бир жойда депсиниб турганлигини, унинг айрим тармоқлари эса сўнгги йилларда ўз кўрсаткичларини пасайтириб юборганликларини пайқамади.

Эндиликда гап ўтмишда рўй берган хато ва камчиликларни қатъият билан тугатиш устидагина бораётгани йўқ. Бу кифоя қилмайди. Вазифа шундан иборатки, пропагандамизнинг барча бўғинларини амалий, актив, ҳужжмкор қилиш, матбуот сўзининг сафарбар қилувчи кучидан тўла-тўкис фойдаланиш керак.

Кўпгина газета ва журналлар, радио ва телевидение сўнгги вақтда ички турмуш масалаларига бағишлаб, мазмун жиҳатидан чуқур ва ўткур, шакл жиҳатидан ёрқин ва хилма-хил материаллар бера бошлаганлиги шак-шубҳасиздир. Ўзига хос ишчанлик, муайян мақсадни кўзлашдан иборат леннича услуб журналистикамизда тобора кўпроқ қарор топмоқда. Газеталар экономика масалаларини анча маҳорат билан ёритмоқда. Матбуотнинг жамоат турмушидаги ташкилотчилик роли сезиларли суратда ошмоқда. Матбуотимиз учўрт йил мобайнида маҳсулотнинг энг муҳим турлари жиҳатидан жаҳондаги энг яхши намуналар даражасига етиб олиш мажбуриятини олган Москва ва Ленинграддаги бир қанча корхоналар коллективларнинг ташаббусини зўр ғайрат билан қувватлаб чиққанлигида ҳам бу нарса намоён бўлди. Ҳозирги вақтда матбуот партия—давлат контроли активлари билан биргаликда кўкламги экишга тайёргарликнинг ҳал қилувчи соҳаларини назорат остига олмоқда. Матбуот маҳаллий Советларга ўтказиладиган сайловларга тайёргарликда фаол қатнашмоқда.

Газета ва журналлар меҳнат аҳлига, жамиятимизнинг энг муҳим проблемаларига яқиндан ёндошмоқда. Кўпгина газеталар партия қурилиши масалаларига кўпроқ эътибор бераётганлиги, партия турмушини янада мазмундор ёритаётганлигини газетхонлар мамнуннят билан қайд қилмоқдалар.

Бироқ қилинган ишлар ҳали оз эканлигини сезмаслик кечириб бўлмайдиган бир ҳол бўлур эди. Совет журналистлари газеталарнинг ғоявий ва адабий савиясини партия ва халқ қўйётган талаблар юксаклигига кўтариш учун қунт билан меҳнат қилишлари лозим бўлади.

Пропагандани, шу жумладан матбуот пропагандасини ҳаёт билан, практика билан боғлаб олиб бориш зарур деган гапларни жуда тез-тез ва ҳақли равишда айтишмоқда ва шу тўғрида ёзишмоқда. Лекин бунда шуни унутмаслиқ керакки, практиканинг ўзида ҳам илғор ёки қолоқ нарсалар, ҳаётчан ёки идораларда тўқиб чиқарилган нарсалар бор. Шу сабабли матбуот ходимлари янгиликни кўриш билангина кифояланмай, балки шу билан бирга, Ленин таълим берганидек, бу янгилик коммунизм манфаатларига қанчалик хизмат қилишига ишонч ҳосил этишлари ҳам муҳимдир.

Мамлакатимиздаги коммунистик меҳнат ҳаракатида ўн миллионларча кишилар қатнашмоқда. Бу ҳаракат коммунизмнинг моддий-техника базасини вужудга келтириш ва янги одамни вояга етказиш учун курашда тобора актив куч бўлиб қолмоқда. Шу билан бирга мусобақани ташкил этишда, унга раҳбарлик қилишда жиддий камчиликлар, кўпгина формализм кўринишлари бор. Баъзи ҳолларда цехлар ва корхоналарнинг коллективлари жиддий тайёргарлик кўрмаган ҳолда бу ҳаракатга қўшилмоқдалар. Кўпгина матбуот органлари эса бундай фактларга эътибор бермайдилар.

Илғор тажрибани пропаганда қилишдаги катта-катта камчиликлар ҳали ҳам барҳам берилган эмас. Газета саҳифаларида бирон бир илғор киши ёки бутун бир коллективнинг меҳнат фаолиятидаги натижалар тўғрисида информацион хабарлар баъзан жуда кўп чиқади-ю, лекин шу натижага қандай эришилганлиги, илғор тажриба бошқа корхоналарда қандай жорий этилаётганлиги тўғрисида лом-мим дейилмайди. Баъзи газеталар, масалан, «Водний транспорт» газетаси жамоатчи активларга яхши таяниб иш олиб бормаётир, меҳнаткашларнинг хатларини назар эътиборга олмаётир.

Газета ва журналларда босилиб чиқаётган мақолаларда ҳам, радио ва телевидение эшиттиришларида ҳам баъзан маърифатчилик, мавҳумий пропаганда элементлари учраб туради. В. И. Ленин бутун пропаганда хўжалик қурилишининг снёсий тажрибаси негизига қурилиши лозим, деб ҳисоблаган эди. Снёсатнинг ролини камситиш, унга етарли баҳо бермаслик, бунинг устига снёсатнинг экономикадан ажратиб олиниши ё уларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ленинизмнинг руҳига, партиямизнинг леннича йўлига ниҳоятда зиддир. Пропагандани шу тарзда олиб бормоқ керакки, коммунизм оммининг қалбига йўл топсин, унинг ўз ишига айланиб қолсин.

Газетхон ҳозирнинг ўзидаёқ корхона ва қурилишларимизда, колхоз ва совхозларимизда, институт ва лабораторияларимизда ривожланиб бораётган коммунизм тўғрисидаги публицистнинг жонли, илҳомбахш сўзларга муҳтож, ўзининг коммунизмнинг онгли ижодкори бўлиб олишида матбуотнинг ёрдамига муҳтож. Бу ўринда партия қарорларини оддийгина такрорлаб бериш ёки тушунтириб бериш кифоя қилмайди, матбуот воситаси билан оммани ана шу қарорларни амалга оширишга уюштирмоқ зарур. Шундай ҳоллар бўладики, газета саҳифалари одамлар ва уларнинг ишлари тўғрисида чалакамчатти ёзилган, мазмуни саёз лавҳалар билан тўлатиб чиқарилади. Бундай материаллар яхлит бир манзарани кўз олдингизга келтирмайди, газетхоннинг фикр-мулоҳазасига сабаб бўлмайди. Шу лавҳаларнинг авторлари чуқур хулоса чиқариб бермайди.

Коммунизм бинокорларнинг меҳнатдаги қаҳрамонликларини, уларни ижодий куч-ғайрат кўрсатишга чорлаётган омилларни, уларнинг маънавий ғўзаллигини чуқур тараннум этиш журналистларнинг биринчи даражали вазифасидир. Бу—изланишлар ва кашфиётлар қилиш учун чинакам беғоён имкониятлар очиб беради. Совет киши характеридаги олижаноб фазилатларни фақат ишлаб чиқариш соҳасида эмас, балки ҳар томонлама кўрсатиб бериш, ана шу энг яхши маънавий хислатларнинг қарор топишига кўмаклашиш учун бир хил қолип ва андозаларни қатъият билан улоқтириб ташлаш, янги публицистик формалардан дадиллик билан фойдаланиш лозим.

Матбуот саҳифаларида хўжалик ва маданий қурилишнинг туб масалаларини ишчанлик билан конкрет қилиб қўйиш, шу масалаларни ҳал қилишнинг энг мақбул йўлларини излаш ва топишни; одамлар тўғрисида ва партия, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари одамлар билан қандай ишлаётганлиги тўғрисида кўпроқ ёзишни газета ва журналларимиздан турмушнинг ўзи талаб қилмоқда. Марказда ва жойларда журналистлар союзининг ижодий ишларини активлаштириб юбориш керак. Бу—КПСС Марказий Комитети октябрь ва ноябрь Пленумларининг совет журналистикасида ижтимоий турмуш ҳодисаларини ёритишда коммунистик партиявийлик, халқчилик, ҳаққонийлик принципларига қаттиқ риоя қилишни талаб этган қарорларидан келиб чиқади.

Шак-шубҳа йўққи, совет журналистлари ўсиб бораётган талаблар ва вазифаларни шараф билан уддалайдилар, мамлакатимизда коммунистик жамият қуриш программасини амалга ошириш учун курашда партияга тағин ҳам активроқ ёрдам берадилар.

(«ПРАВДА» газетасининг 14 февралдаги бош мақоласи).

МУНОСИБ НОМЗОДЛАР

Шу кунларда Янгийўл район территориясидаги агитпунктлар ва сайлов участкалари эртадан то кеч соат 10-11 ларгача одамлар билан гавжум. Жонкуяр агитаторлар хонадонларда тушинтириш ишларини олиб боришмоқда. Колхоз ва совхозларда маҳаллий Советларга депутатликка номзодлар кўрсатиш иши бошлаб юборилди. Халқ ўзининг энг ишонган, ҳурмат қилган кишиларини депутатликка номзод қилиб кўрсатаётир.

«Шарқ юлдузи» колхозининг клубига 600 киши тўпланди. Сўз шу колхоздаги Абай номли мактабнинг директори Эркин Бўрибоевга берилди. У илғор колхозчи Санобар Қурбонова ҳақида батафсил гапирди. Санобар Қурбонована 323-сайлов округидан область Советига депутатликка номзод қилиб кўрсатди. Мажлисдагилар Эркин Бўрибоевнинг таклифини бир овоздан маъқуллашди.

Илғор механизатор Ҳошим Қосимов, теримчи Миной Арстонбекова, сут соғувчилардан Саодат Ботирова, Надежда Клементьева, сувчи Турсунбой Йўлдошев ўртоқлар район Совети депутатлигига номзод қилиб рўйхатга олинди.

Райондаги Калинин номли колхозда ҳам область ва район Советларига депутатларнинг номзодлари кўрсатилди.

Анорхон Собирова колхозда сут соғувчи бўлиб ишлайди. У 1942 йилда туғилган. Комсомол аъзоси. Калинин номли колхоз меҳнаткашлари Анорхон Собировани область Совети депутатлигига сайлаш учун муносиб номзод деб топдилар. Худди шу колхоздан район Совети депутатлигига машҳур пахтакор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Умарали Муҳаммедов, илғор пахтакор Турғуной Исамуҳамедова ўртоқларнинг ҳам номзодлари кўрсатилди.

СОВЕТ-КОРЕЯ ҚЎШМА БАЁНОТИ

ПХЕНЬЯН, 14 февраль. (ТАСС). Бугун КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин ва Корея Меҳнат партияси Марказий Комитетининг Раиси, Корея Халқ Демократик Республикаси Министрлар Кабинетининг Раиси Ким Ир Сен қўшма баёнотни имзоладилар. Қўшма баёнотда улар бошчилигидаги делегациялар ўртасида олиб борилган музокараларнинг якунлари қайд қилинган.

Шу ҳужжатда айтиладики, ҳар иккала партия ва мамлакат ўртасида дўстлик муносабатларини ва ҳамкорликни мустаҳкамлаш масалалари устида, ҳозирги халқаро аҳвол, халқаро коммунистик ҳаракат масалалари ва томонларни қизиқтирувчи бошқа масалалар устида қардошларча ҳамжиҳатлик вазиятида фикрлашиб олинди.

Ҳар иккала делегация СССР ва Корея Халқ Демократик Республикасининг социалистик ва коммунистик қурилишда катта ютуқларга эришганликларини, уларнинг социализм лагерининг халқаро позицияларини мустаҳкамлаш ишига, тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшган ҳиссаларини қайд қилиб, дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет-Корея шартномасининг катта аҳамиятини кўрсатиб ўтишди. Бу шартнома, дейилади баёнотда, совет ва корейс халқларининг ҳаётий манфаатлари, бутун социалистик ҳамдўстликнинг манфаатлари талаб қилганидек, ҳар иккала социалистик мамлакатни мустаҳкам ва қардошлик иплари билан чамбарчас боғлаб турибди.

Шартномадан келиб чиқадиган мажбуриятларнинг, яъни Совет Иттифоқи билан Корея Халқ Демократик Республикаси ўртасидаги иқтисодий ва маданий муносабатларни ривожлантира ва мустаҳкамлаб бериш, тенг ҳуқуқлилик, шунингдек давлат суверенитетини, территориал бутунликни ўзаро ҳурматлаш ва бошқа мамлакатларнинг ички ишларига аралашмаслик принципларига мувофиқ, ҳар иккала мамлакатнинг бир-бирига дўстлик ва ҳамкорлик руҳида ёрдам кўрсатиб туриши тўғрисидаги мажбуриятларнинг катта аҳамиятини томонлар алоҳида қайд қилиб ўтдилар.

Америка империализми Жанубий Кореяни ўз мустамлакасига ва ҳарбий базасига айлантираётганлиги, Корея Халқ Демократик Республикасига игвогарлик ҳаракатлари қилаётганлиги учун Америка империализмини совет делегацияси қоралаб, Корея халқининг ўз мамлакатини четдан ҳеч қандай аралашишга йўл қўймай тинч бирлаштириш учун олиб бораётган курашини Совет Иттифоқи тўла равишда қўллаб-қувватлаётганлигини яна бир марта айтди.

Делегациялар шуни қайд қилдиларки, ҳозирги халқаро аҳвол тинчлик, демократия, миллий мустақиллик ва социализм йўлида курашаётган революцион кучлар учун қулай бўлиб ривожланиб бормоқда. Империализм ва унинг асосий таянчи бўлган АҚШ социализм ва тараққиёт кучларининг ўсиб бораётганлигидан жуда ҳаяжонга тушиб қолдилар ва улар халқларнинг революцион озодлик кураши натижасида ўзларининг қўлидан бериб қўйган позицияларини ҳар қандай усул билан қайтариб олишга интилмоқдалар.

Лекин, деб таъкидланади баёнотда, империалистларнинг имкониятлари ҳозир асло аввалгидек эмас. Социализм ва тараққиёт, тинчлик ва демократия кучлари империалистларнинг хатарли режаларини барбод қила олади, агрессия ва уруш йўлига ғов солиб қўя олади. Мана шу олийжаноб мақсадлар йўлида ҳар иккала мамлакат бошқа қардош мамлакатлар билан ёнма-ён туриб, тараққиёт ва тинчликнинг қудратли омили бўлган социалистик лагери бутун чоралар билан мустаҳкамлай берадилар, миллий озодлик курашини олиб бораётган Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқлари билан ўзларининг жанговар иттифоқларини, халқаро ишчилар синфи билан ўзларининг бирдамликларини мустаҳкамлай берадилар.

Ҳар иккала томон агрессия ва уруш сиёсатининг пайини қирқмоқ ва бу сиёсатни барбод қилмоқ учун, тинчликни ва инсоният хавфсизлигини таъминламоқ учун барча революцион кучлар ва тинчлик кучлари билан бирга империалистларга қарши қаттиқ кураш олиб бориш, айни вақтда халқаро кескинликни юмшатишга ҳамда турли ижтимоий тузумдаги давлатлар ўртасидаги муносабатларда тинч-тотув яшаш принципларини барқарор қилишга эриша бериш зарур, деб ҳисоблайдилар.

Ҳар иккала томон АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига нисбатан қилаётган жинояткорона ҳаракатларини лаънатлаб, социалистик интернационализм принципига содиқ бўлиб қолганлари ҳолда, огоҳлантириб шуни айтдиларки, ular Вьетнам Демократик Республикасининг хавфсизлигини таъминлашга бепарво қараб турмайдилар ва унга зарур бўлган ёрдамни кўрсатадилар. Шу билан бирга, улар Жанубий Вьетнам ватанпарварларининг одилона курашини қўллаб-қувватлашларини очиқ айтадилар, АҚШ ваҳшиёна урушни тўхтатсин ва ўзининг ҳамма қўшинларини Жанубий Вьетнамдан олиб чиқиб кетсин, деб талаб қиладилар.

АҚШ империалистларининг ўзи оккупация қилиб олган Жанубий Корея, Тайвань ҳамда СЕАТО ва АНЗЮС ҳарбий блокларида қатнашувчи баъзи мамлакатларнинг ҳарбий қисмларини Ҳиндихитойдаги агрессив урушга тортиш йўли билан бу урушни кенгайтиришга интилаётган ҳаракатлари баёнотда қораланади.

Миллий озодлик, демократия, социал тараққиёт учун, империализмга ва мустамлакачиликка қарши ҳар хил шаклда, жумладан, қўлга қурол ҳам олиб, адолатли кураш олиб бораётган Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларини ҳар иккала томон тўла равишда қўллаб-қувватлаётганликларини билдирадилар. Улар бу курашда эришилган ютуқларга давримизнинг буюк революцион ҳаракатига, империализмни заифлантириш ва ялпи тинчликни мустаҳкамлаш ишига қўшилган ҳисса, деб баҳо берадилар. Улар мустамлакачиларнинг қолган мустамлакачилик режимларини қўлдан чиқармаслик йўлидаги ҳамма уринишлари барбод бўлиши муқаррарлигига қатъий аминдирлар.

Империализмнинг қуролли аралашишга, сиёсий ва иқтисодий тазйиқ ўтказишга уринаётганлигидан ўз суверенитетини ва мустақиллигини ҳимоя қилаётган ва озодликка эришган ёш давлатларнинг халқлари томонини ёқлаш билан бир вақтда, СССР ва Корея Халқ Демократик Республикаси капиталистик мамлакатлардаги ишчилар синфининг ва меҳнаткашларнинг революцион ишини қўллаб-қувватлайдилар.

Баёнотнинг анча қисми Шарқи-Жанубий Осиёдаги аҳволга бағишланган. Томонлар Лаос масаласини тинч йўл билан ҳал қилмоқ учун халқаро кенгаш чақириш тўғрисида Нео Лао Хак Сат партияси Марказий Комитетининг раиси, Лаос бош министрининг ўринбосари шаҳзода Суфанувонг қилган таклифни, шунингдек Камбоджанинг бетарафлигини ва территориал бутунлигини таъминламоқ учун халқаро кенгаш чақириш тўғрисида Камбоджа давлатининг бошлиғи шаҳзода Нородом Сианук қилган таклифни маъқуллайдилар. Томонлар хитой халқининг Тайванни озод қилиш учун олиб бораётган адолатли курашини, Индонезия халқининг Америка-Англиянинг янги мустамлакачилик планларига қарши олиб бораётган курашини, Шимолий Калимантан аҳолисининг озодлик курашини қатъий равишда қўллаб-қувватлаётганликларини яна бир марта маълум қиладилар.

Баёнотда ўз мамлакати АҚШнинг ядро базасига айлантирилишига қарши курашаётган япон халқи билан, ўз ватанининг озодлиги ва мустақиллиги учун Конго ватанпарварлари олиб бораётган кураш билан бирдамлик изҳор қилинади.

Совет ва Корея халқлари, деб таъкидланади шу ҳужжатда, қардош Куба томонини олиб келдилар ва бундан буён ҳам унинг томонини оладилар. Улар ҳар иккала герман давлатининг қуролланишдан, айниқса ядро билан қуролланишдан воз кечиши учун Германия Демократик Республикаси олиб бораётган курашни табриклайдилар. СССР ва Корея Халқ Демократик Республикаси ҳукуматлари иккинчи жаҳон урушининг Европадаги қолдиқларини тугатишни талаб қиладилар ҳамда НАТОнинг кўп томонли ядро кучларини вужудга келтиришга қарши ва Германия Федератив Республикасининг шарқий чегаралари бўйлаб атомли миналар минтақасини вужудга келтириш планига қарши бир ёқадан бош чиқариб қатъий курашадилар.

Ҳар иккала томон АҚШ империалистларининг агрессив «Шарқи-Шимолий Осиё ҳарбий иттифоқи»ни тузиш режаларини қоралайдилар.

Совет Иттифоқи ва Корея Халқ Демократик Республикаси ядро қуролини батамом тақиқлаш ва йўқ қилиш, бунинг учун биринчи қадам тариқасида бу қуролни қўлланишни тақиқлаш масаласига бағишлаб, жаҳондаги давлатлар бошлиқларининг кенгашини чақириш тўғрисида Хитой Халқ Республикаси ҳукуматининг таклифини тўла равишда қувватлаганликларини яна бир марта маълум қиладилар.

Баёнотнинг якунловчи қисмида бундай дейилади:

Ҳар иккала томон якдиллик билан шундай деб ҳисоблайдиларки, социалистик лагерь бирлигини ва халқаро коммунистик ҳаракат жипслигини мустаҳкамлаш халқларнинг империализмга ва мустамлакачиликка қарши, тинчлик, миллий мустақиллик, демократия ва социализм учун олиб бораётган курашида ғалаба қозонишнинг энг ишончли гарантиясидир.

Ҳар иккала томон социалистик лагерь мамлакатлари, турли мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партиялар ўртасидаги қардошларча дўстликни ва жипсликни марксизм-ленинизм ва пролетар интернационализми принциплари асосида, шунингдек коммунистик ва ишчи партиялар вакилларининг 1957 ва 1960 йиллардаги кенгашларининг Декларацияси ва Баёноти асосида ҳимоя қилмоқ, ривожлантира бермоқ ва мустаҳкамламоқ учун зарур бўлган бутун куч-ғайратни сарфлашга маҳкам бел боғлаганликларини билдирадилар.

ТРАДИЦИОН ДЎСТЛИК МУНОСАБАТЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРАЙЛИК

Л. И. Брежнев, А. И. Микоян ва А. Н. Косигин ўртоқлар Совет Иттифоқи билан Хитой Халқ Республикаси ўртасида дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги шартноманинг 15 йиллиги муносабати билан Мао Цзэ-Дун, Лю Шао-Ци, Чжу Дэ ва Чжоу Энь-Лайга табрик телеграммаси юборишдилар. Улар табрик телеграммасида Хитой Коммунистик партияси ва Ҳукуматига ҳамда бутун қардош Хитой халқига самимий кутловлар ва энг яхши тилаклар йўллайдилар.

Бизнинг партиямиз ва совет халқи шуни аминдирларки, дўстлик, иттифоқ ва ўзаро ёрдам тўғрисидаги Совет-Хитой шартномаси социализм ва коммунизм иши тантанаси учун тинч шароитни таъминлашнинг бундан буён ҳам муҳим фактори бўлиб хизмат қилади, кундан-кунга ўсиб бораётган тинчлик, демократия ва социализм кучларини жипслаштиришга хизмат қилади.

Телеграммада айтиладики, Совет Иттифоқи Коммунистик партияси, Совет ҳукумати, бутун совет халқи социалистик лагерь бирлигини ҳамиша мустаҳкамлашга, халқаро ишчилар синфининг буюк революцион курашини, Осиё, Африка, Латин Америкаси мамлакатлари халқларининг миллий-озодлик, антиимпериалистик ҳаракатини бутун чоралар билан қўллаб-қувватлашга қатъий аҳд қилгандирлар.

Умумий манфаатларимиз йўлида партияларимиз ва халқларимиз ўртасидаги традицион дўстлик муносабатларини бундан буён ҳам ривожлантира берайлик, ўтмишда ўзаро муносабатларимизда юз берган совуқликни қадам-бақадам бартараф этайлик. СССР билан Хитой Халқ Республикасининг ҳар тарафлама ҳамкорлиги янги муваффақиятларга эришишимизга, бутун жаҳон социалистик системаси куч ва қудратининг ўсишига шубҳасиз ёрдам беради. (ТАСС).

СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ВАТАНИГА ЖЎНАБ КЕТДИ

ПХЕНЬЯН, 14 февраль. (ТАСС). КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси бугун Пхеньяндан Ватанига жўнаб кетди.

* * *

Вьетнам Демократик Республикасига ва Корея Халқ Демократик Республикасига дўстона визит билан қилган сафаридан қайтиб келаётган КПСС Марказий Комитети Президиуми аъзоси, СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси 14 февралда Пхеньяндан Владивостокка келди.

Аэродромда делегацияни КПСС Приморье ўлка комитетининг биринчи секретари В. Е. Чернишев, Приморье ўлка ижроия комитетининг раиси М. М. Кузнецов, Тинч океан флотининг қўмондони адмирал Н. Н. Амелько ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар.

А. Н. Косигин ва у бошлиқ делегация аъзолари тушдан кейин шаҳарни айланиб чиқдилар, янги биноларнинг қурилаётган районларни бориб кўрдилар.

А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси 15 февралда Владивостокдан Москвага жўнаб кетди. (ТАСС).

ДЎСТОНА ВИЗИТЛАР ТУГАЛЛАНДИ

КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин бошчилигидаги Совет Иттифоқи делегацияси 15 февралда Москвага қайтиб келди. Делегация дўстона визит билан Вьетнам Демократик Республикасига ва Корея Халқ Демократик Республикасига борган эди. (ТАСС).

Тошкент пахта тозалаш заводи ҳузуридаги агитпунктда маҳаллий Советлар сайловига катта тайёргарлик кўрилмоқда. Суратда: (чапдан) агитатор Л. Чекурина ва 78-сайлов участкасининг секретари Н. Михайлова ўртоқлар.

В. Салов фотоси.

КОНФЕРЕНЦИЯ МАВЗУИ —ТЕХНИКА ЭСТЕТИКАСИ

Кеча Тошкентда «Иш маданияти ва меҳнат унумдорлигини оширишда техника эстетикасининг роли» деган темада биринчи семинар-конференция ўз ишини бошлади. Семинар-конференция Тошкент область партия комитети ва касаба союзлари область совети ҳамда халқ хўжалик кенгаши томонидан чақирилган. Конференция ишида областимиз партия, совет ва комсомол ташкилотлари вакиллари, ишлаб чиқариш илғорлари иштирок этмоқдалар.

Конференциянинг биринчи кун машғулотларида Бутуниттифоқ техника эстетикаси илмий-текшириш институти ходимлари М. П. Капустин ва А. Г. Устинов, Латвия халқ хўжалик кенгаши техника иқтисодий совети раиси Г. П. Даниленко ва Ригадаги «БЭФ» заводи ишлаб чиқариш маданияти бюросининг конструкторрассоми Л. А. Ковалевский ўртоқларнинг докладлари тингланди.

Кунинг иккинчи ярмида конференция қатнашчилари ўз мутахассисликлари бўйича областимиз шаҳарларидаги корхоналарда бўлиб, у ерларда меҳнат маданиятининг аҳволи билан танишдилар.

Конференция бугун ўз ишини давом эттиради.

ИШ ҚИЗҒИН

Ўтган йили 117 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 45 центнердан пахта топшириб, йиллик планни ортиғи билан бажарган Ли Чан Сер бошлиқ бригада коллективи бу йил ҳосилдорликни гектар бошига 48 центнерга етказиш учун курашмоқда. Бригада пахтакорлари ўз сўзларининг устидан чиқиш учун баҳорги экиш мавсумига уюшқоқлик билан тайёргарлик кўришаяпти. Улар ҳар гектар ерга 450 килограммдан минерал ўғит солиб, ерларни шудгорлаб қўйдилар. Кузда ер карталарининг атрофидаги дарахтларни буташ, ёш дарахтларни бошқа жойларга олиб ўтказиш тадбирлари бажарилди.

— Сув иншоотларини ремонт қилиш, ариқ-зовурларни тозалаш ишларини ҳам яқинлаштириб қўйдик, — дейди бригада бошлиғи Ли Чан Сер, — ҳозир эса асосий эътиборни маҳаллий ўғит жамғаришга қаратяпмиз. Шу кунга қадар бригада аъзолари 60 тонна га яқин компост тайёрлаб қўйдилар.

Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозининг Ли Чан Сер бошлиқ бригадаси аъзолари бу йил гектаридан 48 центнердан ҳосил кўтариш учун қўлни-қўлга бериб меҳнат қилмоқдалар. Шак-шубҳа йўқки, бу ажил бригада аъзолари бу йил ҳам ўз сўзларининг устидан чиқадилар.

Е. КОСИМБЕКОВ.

ҲОСИЛДОРЛИКНИ ОШИРИШ — ФАН ЮТУҚЛАРИ ВА ИЛҒОР ТАЖРИБАЛАРНИ КЕНГ

ЎЗБЕКИСТОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ҚУРУЛТОЙИ ОЛДИДАН

Яқинда «Тошкент ҳақиқати» газета редакциясида матбуот конференцияси бўлиб ўтди. Журналистлар энг кўзга кўринган олимлар, уста пахтакорлар, тажрибали механизаторлар, колхоз раислари, агрономлар билан учрашдилар. Улар орасида Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Мирзаали Муҳаммаджонов, Союз НИХИ селекция ва уруғчилик филиалининг лаборатория мудири, биология фанлари доктори Акром Додабоев, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Анвар Эгамназаров, Ўрта Чирчиқ районидаги В. Терешкова номли колхоз раиси, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати, турсунойчи механизатор Умри Ҳасанова, Янгийўл районидаги Ленин номли колхоз бригадирлари, республикада хизмат кўрсатган пахтакорлар Нормирза ота Эшов, Абдураҳмон Ҳакимов, Анорқул Йўлдошев, шу колхознинг бош агрономи, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Комилжон Азимов, Киров номли совхоз биринчи бўлимининг бригадири, республикада хизмат кўрсатган пахтакор Мутал ота Қаюмов, Оржоникидзе районидаги «Правда» колхозининг бригадири, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Тўхта Абдуллаева, Бўка районидаги «Ленин йўли» колхозининг раиси Ислом Бўрихўжаев ва бошқа ўртоқлар бор эди.

РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНЛАРИ

Матбуот конференцияси қатнашчилари пахтачиликнинг туб масалаларини муҳокама қилдилар. Ўтган йили серқуёш Ўзбекистонимизда «оқ олтин»дан ҳар қачонгидан кўра баракали хирмон кўтарилди. Эндиликда эса пахтакорлар олдида янада катта, янада масъулиятли вазифалар турибди. Республика пахтакорларининг 20 февралда бўладиган қурултойида ўтган йилги ютуқларга қандай қилиб эришилганлиги, бу йил пахта ҳосилдорлигини янада ошириш, комплекс механизацияни кенгроқ жорий этиш учун қандай тадбирларни амалга ошириш кераклиги тўғрисида батафсил маслаҳатлашиб олинади.

1964 йили Тошкент области пахтачилиги тарихида ҳам юксалиш йили бўлди. Давлатга «оқ олтин» сотиш йиллик плани 40 кун деганда бажарилди! Она-Ватан омборларига қарийб 345 минг тонна Тошкент пахтаси етказиб берилди. Бепоён далаларда ишлаган 3 мингга яқин «зангори кема» билан 132 минг тонна «оқ олтин» териб олинди. Бу ялпи ҳосилнинг 39 процентидан кўпроғини ташкил этади.

Матбуот конференцияси қатнашчилари ана шу ажойиб ютуқларнинг сирлари нимада эканлигини ўртоқлашдилар, бу йил область пахтачилигини яна ривожлантириш учун нималар қилиш лозимлиги тўғрисида тажриба алмашиб, атрофлича фикр юритдилар.

Қуйида биз ана шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

Суратда: биология фанлари доктори Акром Додабоев ва академик Мирзаали Муҳаммаджонов (ўртада) матбуот конференциясига келган пахтакорлар билан «оқ олтин» ҳосилдорлигини ошириш тўғрисида суҳбатлашмоқдалар.
В. Салов фотоси.

ЕР ТЕКИС—ҲОСИЛ ТЎКИС

КОНФЕРЕНЦИЯ залига йиғилганларнинг суҳбати бир пасда қовушиб кетақолди. Олимлар пахта усталари билан, пахта усталари эса олимлар билан юрандан гаплашаётганликлари учун ҳам бир-бирларидан мамнун эканликлари сезилиб турарди...

Суҳбат ерни ишлаш мавзуидан бошланди. Академик **Мирзаали Муҳаммаджонов** матбуот конференцияси қатнашчиларининг диққатини дастлаб ерни кўнгилдагидай ишлаш масаласига жалб этди.

— Ерни экишга тайёрлашда гап кўп. Кузда оладиган ҳосилингизнинг баракаси ана шу ишнинг сифатли ўтказилишига боғлиқ. Бобо деҳқонларнинг тажрибасини эсланг: улар эрта баҳорда бор кучларини ерни обдон ишлашга сарф қилишарди. Еримиз экишга тахт деганларидан кейин бориб қарасангиз, енгоқдай ҳам кесакни тополмас эдингиз. Улар кесакни ёқтиришмас эди. Тупроқ то донадор бўлмагунича ишлайверишарди. «Кесак йили — кўсак йили» деб бежизга айтишмаган улар. Агар ерда кесак қоладиган бўлса, чигитнинг тезроқ униб чиқишига тўсқинлик қилади, униб чиққанидан кейин ҳам уни қисиб қўяди. Оқибатда ғўза кечки бўлиб, кўсаклар кеч очилади, баъзи ҳолларда пахта пишмай қолиши ҳам мумкин.

Ҳозир ҳам ишнинг кўзини биладиган деҳқонлар шундай қилишади. Мана, масалан, хоразмлик деҳқонларни олиб кўрайлик. Улар кафтдай текислаб, бороналагандан кейин мола босишади. Ер эса ойнадай ярқираб кетади. Карталарда кесак кўрмайсиз. Ҳа, ўртоқлар, ерни шунақа ишлаш керак. Ерни чигит экишга тайёрлаётганда пала-партиш иш қилманг, кўнглингизга, дилингизга тўғри келган ишни қилинг. Ана ундан кейин чигит қаданг...

— Бу жуда тўғри,—гапга аралашди **Анвар Эгамназаров** — ҳам ҳосилнинг тақдири шу ерни экишдан олдин ишлашга боғлиқ экан. Бизнинг бригадамизда ҳам эрта баҳор билан бутун куч ерни экишга сифатли тайёрлашга қаратилади. Деҳқонларимизнинг яхши бир удуми бор. Улар баъзи одамларга ўхшаб экишга шошилишмайди. Ерни обдон ишлашади. Тайёрланган ерга кўнглимиз тўлмадими, яна ишлаймиз, тупроқни обдон пишитмагунча қўймаймиз. Ҳар йили еримизни 33-35 сантиметрдан кам ҳайдамаймиз. Кейин гектар бошига 8-10 тоннадан чириган гўнг соламиз. Баҳор чиққач ерни текислашга зўр берамиз. Негаки, ер текис бўлсагина ҳосил тўкис бўлади. Колхозимизнинг устахонасида катта молалар ясалган. Улар жуда оғир, кучли трактор ҳам вўрга тортади. Шу молаларнинг кетига уч қатор борона тиркаймиз. Молалар бўлганимиздан кейин еримиз ойнадай ялтираб кетади, кесакни қидириб ҳам тополмайсиз.

Кези келганда баъзи бир ўртоқларни таниқид қилиб ҳам ўтмоқчиман. Бундай ўртоқлар, айниқса, хўжалик раҳбарлари орасида учрайди. Улар «ҳа бўл, ҳа бўл» қилиб, одамларни шошириб юборишади. Кейин пала-партиш ишланган ерларга чигит экилаверилади. Бу билан улар «вақтдан ютдик» деб ўйлашади. Йўқ, бунда вақтдан ютилмайди, аксинча ютқазилади. Нега, чунки чигит ёмон ишланган ерга эрта тушгани билан, ҳа деганда униб чиқавермайди. Обдон меёрига етказиб ишланган ерга чигит сал кечроқ тушса ҳам анави ерлардагига нисбатан эрта, бақувват униб чиқади, соғлом ривож топади.

Умри Ҳасанова қаттиқ ерларни ҳам осон ва соз шудгор қиладиган плуглар бўлса, жуда яхши бўларди, деб қолди.

— Шунақа сиз айтган плуглардан бор. Лекин ҳозирча камроқ.

— Иннакейин бизни қийнаётган яна бир нарса, ҳар бир плуг устида бир одамнинг ишлаётганлиги,— деди **Умри Ҳасанова**,— Бундай вақтда анча қўшимча ҳақ сарф бўлади. Бу плугни трактор кабинасидан туриб кўтариб-туширадиган бир мослама йўқмикин?

— Бор. Ўша ҳалиги мен айтган плуг билан шундай қилинса бўлади. Унга ўғитлагич ҳам ўрнатилган. Шудгорлаш пайтида фосфорни ҳам ўзи солиб кетаверади. Бу уч ярусли плуг ернинг 30 сантиметрлик қатламини ағдаради, шу билан бирга яна унинг остидаги 25-30 сантиметрлик қатламини юмшатиб кетади. Фосфорни эса 15 сантиметрлик чуқурликдан то 55-60 сантиметрлик чуқурликкача солиб кетади. Бу плуг асосан қаттиқ ерларда ишлатилади. Бир йили бир марта шу плуг билан ерингизни кўнгилдагидек юмшатиб олсангиз борми, кейин тўрт-беш йилгача оддий усулда ер ҳайдаб ҳам мўмай ҳосил олавершингиз мумкин.

БЕГОНА ЎТ—ЭКИН ДУШМАНИ

ОЛИМЛАР билан деҳқонлар ўртасидаги суҳбат вақт ўтган сайин жонланиб бораверди. Гапдан-гап чиқиб, суҳбат мавзуи бегона ўт масаласига кўчди.

— Мен яна бир нарсани сўрамоқчиман,— деди **Умри Ҳасанова**,—бегона ўт токайгача деҳқонларимизнинг тинкасини қуритади? Тўғри, унга қарши чора кўраяпмиз, курашяпмиз, лекин уни таг-туги билан йўқ қилиб ташлашнинг бирор йўли йўқми?

— Йўл бор. Топаман десангиз, ҳамма нарсага ҳам йўл бор. Ҳамма гап ўша йўлни топиб олишда қолган. Кейинги бир-икки йилдан бери биз бегона ўтларни қақшатадиган гербицидларни ишлатяпмиз. Тўғри, бу ҳали жуда кенг тарқалмаган. У бегона ўтларни таг-туги билан йўқ қилиб ташлай олади. Агар экишдан олдин гектар бошига 15 килограммдан диурон, деган гербицидни солсангиз, бир йиллик ўсимликларни қириб ташлайди. Далапон деган гербицид эса кўп йиллик бегона ўтларни, масалан ғумайни йўқотади. Бу тур Оққовоқдаги тажриба станциясида ҳам, 1-«Оққўрғон» совхозида ҳам, қисман 2-«Оққўрғон» совхозида ҳам бу гербицидлар синаб кўрилди. Натижа жуда яхши бўлиб чиқди. Бундай гербицидлар бундан буён кўпайтирилавераді.

Лекин ҳамма умидни фақат гербицидларга боғлаб қўйиш ҳам ярамайди, албатта. Хўш, бегона ўт ҳосилнинг душмани экан, уни йўқотиш учун қанақа агротехника тадбирларини қўллаш керак? Ўтга қарши курашишнинг энг фойдали тадбири ерни экишдан олдин ҳали айтганимиздай тўғри ишлашдир. Кейинги йилларда баъзи хўжаликларда ерни ишлашда агротехника қоидалари қўпол равишда бузилди. Деҳқончиликнинг талаби унутиб қўйилди. Натижада ерда ўт кўпайиб кетди. Бунинг устига «кетмонсиз ишлаймиз» деб жар солган баъзи ваъдабозлар кетмонни ташлашга ташлашди-ю, лекин кетмон қиладиган ишни трактор зиммасига юклашда нўноқлик қилишди. Натижада ўт камайиш ўрнига кўпайиб кетди. Бундай қилиш ярамайди, албатта. Тўғри, кетмонни ташлаш керак. Лекин ташлагандан кейин унинг ишини техника кучи билан бажаришни ўйлаб олиш ҳам керак-да.

Шу пайт **Акром Додабоев** бу фикрни қувватлаб деди:

— Ҳозир менинг хаёлимга бу турги бир воқеа тушиб қолди. Ўрта Чирчиқ районида пахтакорларнинг йиғилиши бўлаётган эди. Шунда бегона ўт хусусида гап очилиб қолди. Киров номли совхознинг далаларини қалин ўт босиб кетганлиги танқид қилинди. Кейин нима бўлди денг, совхоз директори минбарга чиқиб, «ўтни беш кунда йўқ қилиб ташлаймиз» деб қолди. Ўшанда ҳайратда қолдим Ахир, ўйламасдан сўзланган гап эди-да бу. Мен «агар бунақа енгил-елпи ўйлайдиган бўлсангиз, ўтни беш кунда эмас, беш йилда ҳам йўқотолмайсиз» деб қўйдим ичимда.

— Ўша совхозга бизлар ҳам борган эдик,—деди **Муҳаммаджонов**, — борсак, пайкалда ўт роса ўсиб кетибди. Культивация қиладиган тракторчилар ҳатто ғўзанинг қатор ораларини топиша-олмайди, денг. Биз бунинг сабабини билдик. Совхозда 3600 гектар ер бор экан. Ҳаммасини борона қилиб, кейин чигит экилибди. Бегона ўтнинг уруғлари ўлмай қолган. Ҳаво жўнашиб кетгач, «роҳат» қилиб ўсаверган. Биз совхоздагиларга ўтни йўқотиш тўғрисида маслаҳат бердик. Ерларингиз қора тупроқ экан, сизот сувлари яқин экан, пахта икки сув билан пишади. Чигит экишдан олдин ерни кўнгилдагидай чизелланглар, деб маслаҳат бердик. Кейинги йили шундай қилишган экан, ўт бирмунча йўқолибди,—шундайми Мутал ака,—сўради у.

— Ҳа, бизнинг ерларимиз шароитида чизеллаб экишнинг баҳоси йўқ экан,—тасдиқлади **Мутал ота**, — мен ҳам ўша совхозда ишлайман. Бригадамизда ҳар йили ер яхшилаб чизелланганидан кейин чигит экилади. Бизнинг томонга хоҳ май ойида боринг, хоҳ июнь ойида боринг, ўт деган нарсани кўрмайсиз. Лекин ҳамма ерда ҳам шундай қилинмайди.

Акром Додабоев конференция қатнашчиларига бегона ўтни йўқотишнинг бошқа бир томонини гапириб берди:

— Бегона ўт ҳосилнинг душмани бўлса, бегона ўтнинг душмани кўчат. «Даламда бегона ўт ўсмасин» деган деҳқон кўчатни кўпайтириши керак. Кўчат қанча кўп бўлса, унинг сояси шунча қуюқ бўлади. Сояда эса ўт кун кечиролмайди. Баъзи бир қолоқ колхозларнинг раҳбарларидан «нега сизларда ҳосилдорлик ҳеч кўтарилмаяпти» деб сўрасангиз, улар «э, биродар, бизларнинг ҳосилимизга тўғоноқ бўлаётган нарса бегона ўт» деган важни қилишади. Мен шундай хўжаликларнинг биттасида бўлган эдим. Қарасам кўчати гектар бошига 30-35 мингдан ошмайди. Бегона ўтлар ғўзани енгиб қўйибди. Бу табиий нарса, албатта! Ўтдан ўпкаланиш керак эмас, одам ўзидан ўпкаланиши керак. Сиз кўчатни кўпайтиринг, қани, ўт ўсармикин? Ўсиб бўлибди! Кўчат кўп бўлса ўтни енгади!

Ўртоқ **Муҳаммаджонов Акром Дадабоев**нинг гапини қувватлади.

— Ҳақиқатан ҳам кўчати қалин бўлган колхоз-совхозларга борсангиз ўтни учратмайсиз. Мен ўтни йўқ қилишнинг бошқа бир томонини гапирмоқчиман. Деҳқонларимиз ўтни йўқотаман дейишса, энг аввало, ерни экишдан олдин хамирдай пишитинг. Иложи бўлса 15-20 сантиметр, агар лой чиқмаса ҳатто 25-30 сантиметр чуқурликда ерни ишлаш керак. Шунда ниш бериб турган ўт тухумлари ўлади. Агар ерингизда ажриқми, ғумайми бўлса чизель қилиб, уларнинг «гардонидан кўтариб»- ер нинг тепасига олиб чиқинг .Кейин культиватор солсангиз уларни тўплаб-тўплаб кетаверади. Иннайкейин, даладан чеккага олиб чиқиб ёқиб ташлайверасиз.

Шу ўринда колхоз раиси **Ислом Бўрихўжаев** бир гапни ўртага ташлаб қолди.

— Ўтни йўқотиш масаласида мен яна бир нарсани айтмоқчиман. Кунларнинг бирида йўлим тушиб Юқори Чирчиқдаги «Правда» колхозига бориб қолдим. Бу колхозга анча тажриба орттирган Иван Антонович Цой раислик қилади. У билан бирга далага чиқдик. Ер ҳайдалаётган экан. Ишлаётган тракторлар шундай кучликки, уч ярусли плугларни енгилгина тортиб кетяпти. Ернинг чуқур қатлами ағдариб ташланаётганлиги учун бегона ўт илдизларининг ҳаммаси юзага чиқиб қоляпти. Мен Иван Антоновичдан «сизларда бегона ўт ўсмаса керак-а?» деб сўрадим. У «мана, кўриб турибсиз-ку, бегона ўт ҳозир ўляпти. Шундай бўлгандан кейин у баҳорда қандай қилиб яна «тирилади» деди. Шундан хулосага келиб айтмоқчиманки, қайси бир колхозда кучли ҳайдов трактори бўлса, уч ярусли плуг бўлса ишнинг кўзини билиб ер ҳайдалса, икки йил ичида бегона ўтни йўқотиш мумкин экан.

ВИЛЬТНИ ЙЎҚОТИШ МУМКИНМИ?

ЖУРНАЛИСТЛАРДАН бири Ўртоқ **Муҳаммаджоновга** мана бундай деб савол берди:

— Деҳқончилигимизда катта офат бўлган вильтни йўқотиш мумкинми?

— Албатта мумкин. Биз кўп йиллардан буён олиб бораётган илмий ишларимиз натижасида шундай хулосага келдик. Овчиларда жуда яхши бир гап бор: «Арслоннинг изига тушдингми, уни топасан» дейишади. Бизнинг олимларимиз ҳам «арслоннинг» изига тушиб олишди. Демак, «арслон ҳам топилади». Мен комил ишонч билан айтаманки, яна уч-тўрт йилдан кейин деҳқонларимиз бу офатдан ҳам қутилишади. Олимларимиз топган янги дорилар, янги пахта навлари вильтни батамом йўқотиш имконини беради. Лекин бу нарса ҳозирча синовда.

— Хўп, майли, у сиз айтганингиз ҳали келажакда бўладиган гап экан, вильтни йўқотишимиз учун ҳозир қандай агротехникани қўллашимиз керак?— сўради **Умри Ҳасанова.**

— Сизларга тушунарли бўлсин учун бир мисолни айтиб бериб қўяқолай. Калинин районидаги «Коммунизм» колхозида илгаримизда 40-42 центнердан ҳосил олинарди. Лекин кейинги йилларда бу колхозда вильт кенг тарқалиб кетди. Ҳосилдорлик бирданига 20-22 центнерга тушиб қолди. Деҳқонлар ташвишда. Бизга мурожаат қилишди. Ўша колхозга бордик. Қарасак, ҳақиқатан ҳам аҳвол чатоқ.

ТЕХНИКА ЭСТЕТИКАСИ

Коммунистик партия Программаси мавжуд корхоналарни такомиллаштириш ҳамда уларни коммунистик меҳнат корхоналарига айлантириш зарурлигини таъкидлайди. Янги техникани жорий этиш, ишлаб чиқаришнинг юксак маданиятли бўлиши, меҳнат шароитларининг яхшиланиши ана шу прогресснинг характерли хусусиятидир.

Ленинграддаги «Электросила» заводи коллективи юксак ишлаб чиқариш маданияти корхонаси номини олиш учун мамлакатимиз бўйлаб бошланган ажойиб ҳаракатнинг ташаббускори бўлди. Электросилачилар ҳаракатини Тошкент областидаги корхоналарнинг ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчилари ҳам қизғин қўллаб-қувватладилар.

Юксак ишлаб чиқариш маданияти учун бошланган ҳаракатда иштирок этаётган завод ва фабрикалар, қурилишларнинг коллективлари янги станоклар, асбоб-ускуналар, технологик режимларни изчиллик билан жорий этиш йўлидан бормоқдалар. Инсон меҳнатини енгиллаштириш, сермеҳнат талаб қиладиган ишларни машиналар зиммасига юклатиш ана шу ҳаракатнинг асосий мақсади бўлиб қолди. Меҳнат процессларини такомиллаштириш юксак ишлаб чиқариш маданияти учун курашнинг асосини ташкил этади.

Ишлаб чиқариш маданиятини юксалтиришнинг яна бир муҳим томони бор. У ҳам бўлса, тайёрланаётган буюмларнинг сифатини, чидамлилигини ошириш проблемасини ҳал қилишдан иборат. Маҳсулот тайёрланаётган жой чанг, ифлос бўлиши брак манбаи ҳисобланади. Озодагарчилик эса юқори сифатли маҳсулот тайёрлашнинг технологик зарурлигидир.

Меҳнат маданияти ва эстетикаси коммунистик жамият қурилиши жараёнида катта социал аҳамият касб этади. Владимир Ильич Ленин кўрсатиб ўтганидек, социализмда техника прогресси меҳнат шароитининг озода бўлишини таъминлайди, миллионлаб ишчиларни тутун, чанг, турли ифлосликлардан халос этади, ифлос устахоналарни инсонга муносиб тоза ва ёруғ лабораторияларга айлантиришни жадаллаштиради. Социалистик корхоналар ҳозир кўз олдимизда қайта ташкил топмоқда.

Гўзаллик аста-секин турмушимизнинг ҳамма соҳаларига кириб бормоқда. Фаолиятимизнинг энг муҳим томони меҳнат ҳисобланади. Меҳнат эса икки нарса — ишлаб чиқариш ва эстетикани бир-бири билан боғлайди. Маркс ва Ленин ўргатганидек, коммунизмда меҳнат шодлик ва маънавий завқ манбаи бўлиб қолиши, меҳнат фақатгина юқори автоматлашиб қолмай, балки гўзал ҳам бўлиши зарур.

Шундай қилиб, меҳнатни илмий жиҳатдан ташкил этиш масаласини ҳал қилиш пайтида унинг маданияти, эстетикаси тўғрисида ҳам ўйлаб кўрмоқ лозим.

Тошкент области корхоналари ва қурилишларининг коллективлари область партия комитети бюросининг қарорига биноан саноат эстетикасини жорий этиш ва ишлаб чиқариш маданиятини юксалтириш соҳасида талайгина ютуқларни қўлга киритдилар. Ўтган йили область касаба союзлари Совети ташаббуси билан ишлаб чиқариш маданиятини ошириш, меҳнат эстетикасини жорий қилиш жамоат кўриги ҳамда энг яхши корхона ва қурилиш номи учун конкурс ўтказилди.

Область корхоналари ва қурилишларида ишлаб чиқариш маданиятини ошириш учун кураш кенг миқёсда олиб борилди. Бу ҳаракатда ишчилар, инженерлар, техниклар, хўжалик ва касаба союз раҳбарлари актив иштирок этдилар. Хўжалик ва касаба союз ташкилотлари кўрикни ўтказиш бўйича катта ташкилий иш олиб бордилар. 1200 та фабрика, завод, цех, участка советлари ва кўрик комиссиялари тузилиб, уларда 5640 ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи қатнашди.

Область шаҳарлари ҳамда Тошкент шаҳри районларида кўрикни ўтказувчи умумшаҳар ва район комиссиялари ишлади. Бу комиссиялар корхоналар ва қурилишларга амалий ёрдам кўрсатиб турдилар, кўрикнинг боришини бошқардилар ва корхоналарнинг раҳбарлари учун семинарлар ўтказдилар.

Корхоналар ва қурилишларда ишчилар ҳамда хизматчилардан тушадиган таклифлар рўйхатга олинадиган журналлар жорий этилди, таклифлар учун яшикчалар осиб қўйилди. Кўпгина корхоналарда тушган таклифларни ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича планлар тузилди.

Область корхоналари ва қурилишларида кўрик давомида 16 минг 623 та таклиф киритилди. Шундан 1270 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Қолганлари ҳам шу йил давомида жорий этиш учун қабул қилинган. Тушган таклифларга асосан кўрик мобайнида 1050 бино, цех ва участка, 95900 квадрат метр пол ремонт қилинди ҳамда 650 та цехда қўшимча электрлаштириш ҳисобига иш жойининг ёруғлик даражаси оширилди.

Тавсияномаларга мувофиқ 9800 та асбоб-ускуна ва 13 мингта дастгоҳ, саноат столи ва бошқа мебеллар кўзни толиқтирмайдиган рангга бўялди. Жамоат кўриги даврида 54 та оқ оқ линия, 72 та конвейер, 550 та юк кўтариш-транспорт мосламаси ишга туширилди, шунингдек 1570 та эскириб қолган станок янгилари билан алмаштирилди. Цехларда ҳаво алмашинишини ҳамда санитария-гигиена ҳолатини яхшилаш мақсадида 980 та вентиляция ускунаси, 1180 та кийимхона, душхона, овқатланадиган хона-

ПАХТАЧИЛИКДА АСОСИЙ ЙЎЛ

ОММАЛАШТИРИБ, ДЕҲҚОНЧИЛИК МАДАНИЯТИНИ ЮКСАЛТИРАЙЛИК!

Деҳқонлар: «Қани нима қилайлик энди. Ё бу ерларимизга шоли экайликми, ёки бу ердан бутунлай кўчиб кетайликми? Вильт балосидан қутилишнинг биргина йўли шу» дейишди. Биз уларга далда бердик. Ўша колхозда катта илмий ишларимизни бошлаб юбордик.

Колхознинг маҳаллий шароитидан келиб чиқиб, махсус агротехникани қўллай бошладик. Маълумки, вильт касаллиги асосан август ойидан бошланади. Демак ўша пайтгача ғўза туплари мўлжалдаги ҳосилни тўплаб олиш керак. Бунинг учун нима қилиш керак? Олдимизда ана шу жумбоқ кўндаланг турарди. Бу жумбоқни ечишнинг йўл-йўриқларини қидириб топдик. Ғўзани эртароқ ҳосилга киритиб олиш учун минерал ўғитларнинг йиллик нормасини ерга экишдан олдин солишга қарор қилдик. Ғўза ҳам бамисоли гўдак боладек гап, вақтида тўйган бола бақувват ўсади, полвон бўлади, йўқса у чиллашир бўлиб қолади, демак ғўза ҳам ёшлигида озиққа тўйса барқ уриб ўсади, йўқса нимжон бўлиб, ўзини тутолмай қолади. Ана шуни ҳисобга олдик-да йиллик азот нормасининг 70 процентини экишдан олдин СУЗ билан 15 сантиметр чуқурликка солдик. Фосфорнинг эса 60 процентини кузги шудгор пайтида, қолган 40 процентини экишдан олдин солдик. Натижада чигит ердан бақувват бўлиб униб чиқди. Вильт кучаядиган пайтгача у оладиган ҳосилини олиб бўлди. Августгача ўрта ҳисобда 7—8 тадан, август ойида эса 2—3 тадан кўсак олди ва эрта пишиб берди. Бу ишимиз вильтни чекинишга мажбур қилди. «Коммунизм» колхозининг деҳқонлари энди хурсанд. Улар йил сайин камида 37-38 центнердан ҳосил олишяпти.

Шу ўринда ўртоқ **Ислом Бўрихўжаев** ўз колхозидаги тажрибани гапириб берди. Уларда ҳам минерал ўғитларнинг йиллик нормаси асосан экиш олдидан ерга солинар экан. Бу тадбир жуда яхши натижа бераётган экан.

— Азот билан фосфорни чигит экишдан олдин солинса, мурғак ғўзалар тез амал олар экан, Ҳосил тўплаши ҳам тезлашаркан.

— Мен ўртоқ Бўрихўжаевнинг гапига бутунлай қўшиламан,—деди **Муҳаммаджонов**, — ғўзани ёзда уч марта, тўрт марта озиқлантирилгандан кўра ўғитни экишдан олдин ерга солган афзал. Агар ёзда кетма-кетига озиқлантираверсангиз, ғўза қариш ўрнига ёшариб кетаверади. Ёшаргандан кейин кўсак олиши ҳам орқага сурилаверади. Оқибатда пахта кеч очилади. Ғўза кўсакларини очилтиришга улгурмай туриб, вильтга гирифтор бўлиб қолади. Ана ундан кейин қарабсизки, деҳқон ҳосилининг қоқ ярмидан ажралиб қолади. Шунинг учун мен сизларга азот билан фосфорнинг йиллик нормасини экишдан олдин ерга солишингизни тавсия қиламан. Ерларингиз қумлоқ, сершағал бўлмаса азотнинг 70 процентини экишдан олдин беринг. Албатта, бу бир қолип эмас. Умуман деҳқончиликда бир қолипда ишлаш ярамайди. Ҳар ким ўз ерининг шароитига қараб иш юритиши керак. Балки 70 процент эмасдир, 60 процентдир, 50 процентдир ёки бўлмаса 80 процентдир. Буни ўзларингиз биринчи йили тажриба қилиб кўринглар. Қайси бир миқдор шароитингизга тўғри келса янаги йилдан бошлаб ўшани кенг қўлланинглар.

— Вильтни йўқотишнинг чораси фақат шуми?— сўради кимдир.

— Йўқ, бошқа чоралари ҳам бор. Иккинчи чораси шуки, вильт бор ерларингизга чигитни энг биринчи экинг. Халқимизда «ўлимдан бошқанинг эртаси яхши» деган нақл бор. Бу гап жуда донолик билан айтилган. Деҳқончиликда ҳам эрта қилинган иш яхши натижа беради. Чигит эрта экилса, тез амалга киради, августга, яъни вильт тарқаладиган пайтга бориб асосий ҳосилини тугиб қўяди. Иннайкейин вильт бўладиган пайкалларда иложи борича қўпроқ кўчат ўстириш ва эришиш керак. Яна бир чораси шуки, ўша пайкалларни суғоришда эҳтиёт бўлинг. Ғўзани серсув қилиб юборманг.

Агроном **Комилжон Азимов** вильтнинг келиб чиқиши кўп жиҳатдан алмашлаб экишнинг бузилишига ҳам боғлиқ эканлиги тўғрисида гап бошлади:

— Мана ўртоқлар, суҳбат даврамизда суяги пахтачиликда қотган бизнинг кекса деҳқонларимиз ҳам ўтиришибди. Мана, бу ерда **Нормирза** ота ҳам ўтирибдилар. У кишининг ёшлари етмишдан ошди. Бир куни вильт хусусида отахон билан гаплашиб қолдим. У киши бундай дедилар: «мана, мен шунча ёшга бордим. Болалигимда ҳам бизнинг ерларимизга пахта экилар эди, ҳозир ҳам экиляпти. Шунча йиллар ўтиб кетди-ю, экинни алмашлаб экишга дурустроқ эътибор берилмади. Вильтнинг келиб чиқишига шу ҳам катта сабабчи бўляпти». Шунинг учун мен пахта беда алмашлаб экиш системасини яна қатъий қилиб қўйиш зарур, деб биламан.

— Бу гапингизга қўшилиш керак, Комилжон,— деди **Акром Додабаев**, — беда ҳам бегона ўтнинг душмани, ҳам вильтнинг душмани. Уни пахта билан тўғри алмашлаб эксангиз вильт ҳам, бегона ўт ҳам борган сари камайиб кетаверади. Эндиликда беда ўзининг қонуний жойини топиб олиши керак.

Гапга ўртоқ **Муҳаммаджонов** ҳам аралашди:

— Эндиликда кўпгина ўртоқлар «маккажўхори экайликми, беда экайликми» демоқдалар. Менимча, иккаласини ҳам экиш керак. Беда оқсил моддали экин. Ерни бой қилишда бедадан ўтадиган экин йўқ. Лекин маккажўхори ҳам керак. Маккажўхоридан моллар учун силос тайёрланади. Бизнинг шароитимизда пахтакор хўжаликларда жами экин майдонларининг 70-75 проценти пахта бўлса, 15-16 проценти беда, 7-8 ёки 9 проценти маккажўхори, қолган қисми эса сабзавот-резавор билан банд бўлса менимча яхши бўлади. Вильт кўп, шўр кўп ерларга бедани кўпроқ экиш маъқул. Мен бу айтган процентлар ҳам қолип эмас, албатта. Ҳар қайси хўжалик ўзининг маҳаллий шароитига қараб сал кўпайтириб, ёки камайтириб экиши мумкин.

БИЛИБ ЭКИНГ, САРАЛАБ ЭКИНГ

Суҳбат даврасидаги гап чигит экиш мавзуига кўчганда бу ерга келган тажрибкор деҳқонлар гўё асосий мақсадга кўчгандай бўлишди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки чигитни соз экиб олишда ҳам гап кўп. Агроном ўртоқ **Азимов** уруғ тайёрлаб берувчиларга эътироз билдирди. Бу колхозда ҳар йили ё учинчи, ёки тўртинчи репродукциядаги чигит экиларди. Тўғри, бунинг ҳосили ҳам ёмон эмас. Лекин хўжаликка ва умуман бошқа колхоз совхозларга ҳам кўпроқ биринчи ёки иккинчи репродукциядаги чигит етказиб берилса, жуда соз бўларди.

— Бу ҳам яхши гап, — деди **Муҳаммаджонов**,— ҳақиқатан ҳам уруғ қанча сара бўлса шунча яхши. Лекин чигитни билиб экишда, саралаб экишда ҳам гап кўп. Асл деҳқон чигитни танлаб экади. Экканда ҳам қайси куни, қайси соатда, қандай ерга экиш кераклигини жуда яхши билади. Ўртоқ Бўрихўжаев, мен сизларнинг колхозингизда чигит янтарь кислотаси билан ишланиб кейин экилади деб эшитган эдим. Шу қандай натижа беряпти? Бир гапириб берсангизчи.

— Янтарь кислотаси жуда ажойиб нарса экан, — деди ўртоқ **Бўрихўжаев**. Деҳқон бўлганингдан кейин «ҳаммасини ўзим биламан» деб ўз билганингча, иш тутсанг кўпинча панд еб қоларкансан. «Билмаганини сўраб ўрганган — олим» деб бежизга айтмаган эканлар. Мен агроном эмасман. Асли касбим ўқитувчилик. Колхозга раис қилиб сайлашгандан сўнг олимлар билан кўпроқ алоқа қилиб туришни ўзимга одат қилиб олдим. Улар билан алока боғлаб турсанг, кўпгина янгиликларни ўз хўжалигингга «етаклаб» келаркансан. Мана шу янгиликларнинг бири янтарь кислотаси бўлди. Мен бу янгиликни яратган ўртоқ Раҳмоновнинг олдига бордим, суҳбатлашдим, маслаҳатлар олдим. Кейин колхозга янтарь кислотасидан бироз олиб келиб тажриба қилиб кўрдик. Бир кунинг ўзида бир пайкалга янтарь кислотаси билан ишланган чигитни ҳам, оддий чигитни ҳам экдик. Янтарь кислотаси билан ишланган чигит оддий чигитга нисбатан анча эрта униб чиқди. Ғўзаси ҳам бақувват бўлиб ўсди. Бунинг устига пахта ҳам эрта очилди. Бу кислота деҳқонларимизга жуда ёқиб қолди. Кейин кўпроқ майдонларга янтарь кислотаси билан ишланган чигитни эка бошладик. Шу тадбиримиз туфайли пахта ҳосилдорлиги бурноғи йилдагига нисбатан бултур гектар бошига 9,3 центнер кўпайди.

— Ислом аканинг гапи жуда тўғри,— деди **Умри Ҳасанова**,— ҳақиқатан ҳам янтарь кислотаси мўъжизакор нарса экан. Янтарь билан ишланган чигитнинг ғўзаси ердан бош кўтариб чиқиши биланоқ пишиқ бўлиб ўсаркан. Иннайкейин, тез амал оларкан. Буни бизнинг колхозимиз деҳқонларининг тажрибаси ҳам яққол кўрсатяпти.

— Бизнинг олимлар билан ҳамкорликда қилган яна бир ишимиз шу бўлдики,— Ислом ака давом этди,— ҳар бир участкамизга алоҳида-алоҳида тупроқ картаси тузиб чиқдик. Энди илгаригидай бригада ёки звено бошлиқларимиз «менга план бўйича бунча ўғит беришингиз керак» деб талаб қилишмайди. Ўғит тақсимлаётганда уларнинг тупроқ картасига қараймиз. Қайсинисига камроқ керак бўлса камроқ, қайсинисига кўпроқ керак бўлса кўпроқ ўғит берамиз.

РЕЖАЛАР ПУХТА БЎЛСИН

Матбуот конференциясида ўртага «Пахта ҳосилдорлигидаги фарқни йўқотиш мумкинми?» деган савол ҳам ташланди. Бу хусусда **Акром Додабоев** гап бошлади:

— Ҳосилдорлик ўртасидаги кескин фарқни йўқотиш бизнинг энг катта резервимиз ҳисобланади. Мана олайлик бир колхозни. Унинг битта бригадаси, айтайлик 35 центнердан ҳосил олса, иккинчи бригадаси атиги 17-18 центнердан ҳосил олади. Ваҳоланки, ҳар иккала бригаданинг ҳам ери бир хил, бир ариқдан сув ичади. Хўш, сабаб нимада? Сабаби шундаки, ўша юқори ҳосил олган бригаданинг одамлари ишнинг кўзини билишади. Кам ҳосил олган бригаданинг одамлари эса деҳқончиликдаги ҳар бир ишни об-тобида ўтказишга, ерни яхшилаб тўйдиришга етарли эътибор беришмайди. Оқибатда ҳосилдорлик жиҳатидан осмон билан ерча фарқ юзага келади. Мана шу 18 центнер билан 35 центнер ўртасидаги 17 центнер ҳосил ўша колхознинг энг реал имкониятидир. Ахир ўйлаб кўринг. Ҳар бир колхозда шунчадан имконият ишга солинса, ялпи «оқ олтин» хирмонимиз биласизми, қандай баракали бўлиб кетади?!

Шу пайт журналистлардан бири гапга аралашди.

— Кўпчилик хўжаликларда бригада ёки звеноларга ҳосилдорлик юзасидан топшириқ беришда катта хатога йўл қўйилади. Ернинг ёмони йўқ. Ҳамма гап ишловнинг ёмонлигида. Масалан, айтайлик бултур 18 центнердан ҳосил олга бригадага «ҳа бу йил икки центнерга кўпайтиргин» деб 20 центнерни план қилиб берадилар. У бригададаги одамлар сирбой бермасдан «ҳа, бу ҳосилни дўппини яримта қилиб юриб ҳам олаоламиз» деб астойдил ишламайдилар. 35 центнердик ҳосил план қилиб берилган бригадагилар эса ишни шу 35 центнерга яраша ташкил этадилар ва кузакда шунга эришадилар ҳам. Модомики, ерлар бир-биридан кескин даражада фарқ қилмас экан, улар учун белгиланган ҳосилдорлик ҳам бир-биридан кескин фарқ қилмаслиги керак.

— Илгарилари бизнинг колхозимизда ҳам худди шундай аҳвол мавжуд эди,— деди **Умри Ҳасанова**, — Биз ҳар йили ишни бошидан пухта қиляпмиз. Тузадиган режаларимиз ҳам бировга оғир бўладиган, бировга енгил бўладиган қилиб тузилмайди. Кейинги бир-икки йилдан бери хўжалигимизда ҳосилдорлик кескин даражада кўтарилди. Бу нимани ҳисобига? Катта резерв ҳисобига, яъни ҳосилдорлик ўртасидаги фарқни йўқотиш ҳисобига бўлди.

Деҳқонларимиз орасида эндиликда «юқори ҳосил», «паст ҳосил» деган гап йўқ. Битта бригадамиз бор эди. Бурноғ йили бор-йўғи 9 центнердан ҳосил олди. Шу бригадага биз энг тажрибали деҳқон Юсуф ота Юнусовни бошлиқ қилиб тайинладик. У уддабуронлик билан иш олиб борди. Тракторчининг ҳам зўрини бердик унга. Бултур шу бригада гектар бошига 26 центнердан хирмон кўтарди. Қаранг, бир йилнинг ўзида ҳосилдорлик 17 центнерга оширилибди. Ернинг яхши-ёмони йўқлигини мана шунинг ўзи ҳам равшан кўрсатиб турибди. Мана ҳозир областимизнинг деярлик ҳамма хўжаликларида бу йил учун режалар тузиляпти. Менинг истагим шу эдики, тузаётган режаларимиз, айниқса ҳосилдорлик учун тузаётган режаларимиз жуда пухта бўлсин.

Ўртоқ **Ислом Бўрихўжаев** ернинг ювилиб кетиши тўғрисида гап очиб қолди:

—Бизнинг Бўка районидаги пахта майдонларининг қарийб ярми ёнбағир ерлардан иборат. Шу ерларда ҳар йили ёғингарчилик бўлган пайтда тупроқнинг устки қатлами ювилиб кетади. Ҳосилдорлик ўртасидаги фарқни йўқотишимизда мана шу тупроқнинг ювилиб кетиши катта тўсқинлик қиляпти. Олимларимиз шу масала бўйича бизларни оталиққа олсалар, ўз қимматли маслаҳатларини аямасалар жуда яхши бўларди.

Ўртоқ Муҳаммаджонов унинг бу гапига жавобан Қўқон группаси районларининг деҳқонлари кучли шамол натижасида тупроқ ювилишининг олдини олиш учун қандай тадбирлар қўллаётганликларини айтиб берди. Улар тупроқ кўп ювиладиган пайкалларни кузда ҳайдамас эканлар. Ер қаттиқлигича қолгач ёғингарчилик уни ювиб кетолмас экан. Кейин баҳорда яхшилаб шудгорлаб, ерни обдон пишириб ишлаб, чигитни экаверишар экан.

— Мен албатта «сизлар ҳам шундай қилинглар» демоқчи эмасман — деди Муҳаммаджонов,— ўша тупроқ кўп ювилиб кетадиган ерларингизда бир йили бу тажрибани қисман қўллаб кўринглар. Агар яхши фойда берса кейинги йили ўша тажрибани кенгроқ қўлланинглар. Шундай қилсанглар кўнгилларингдагидай иш бўлади.

КАДРЛАР—ОЛТИН ФОНДИМИЗ

Ҳаммага маълумки, қаерда кадрлар билимдон, уддабурон, сергайрат, олиҳиммат бўлса, ўша ерда эришилган ютуқлар ҳам қувончли бўлади. Матбуот конференцияси қатнашчилари кадрлар хусусида ҳам анча яхши гапларни гаплашиб олишди. **Акром Додабоев** бу хусусда шундай деди:

— Мен бугун бу ерда бўлаётган гаплардан беҳад қувониб кетяпман. Бу гаплар «сурма ёки ўсма қўйиб, безатилиб» айтилаётган гаплар эмас, балки деҳқоннинг юрагидан тошиб чиқаётган гаплардир. Мана шу суҳбат даврамизнинг руҳи эндиликда деҳқонлар ўз касбларига бўлган муносабатни таг-туги билан янгилаётганликларидан далолат бериб турибди. Тошкент области комплекс механизациялашган звеноларни тузишда ташаббускор область бўлиб чиқди. Утган йили қарийб уч мингта тюпкочи звено кўнгилдагидек ишлаганлиги туфайли ҳам областда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилди. Бу гапим билан нима демоқчиман? Демоқчиманки, кадрлар бизнинг олтин фондимиз ҳисобланади.

Мана, бу йил механизациялашган звеналар сафи янада кенгаяди. Хўш, энди бизнинг вазифамиз нима? Вазифамиз шуки, уларга деҳқончилик илмини ўргатайлик. Звенога бошчилик қилаётган механизатор тракторнинг тилини яхши билади. Лекин ўсимликнинг тилини у қадар билмаслиги мумкин. Унга тажрибали деҳқонларимиз чигитни қай вақтда экиш кераклигини, ғўзани қай вақтда озиқлантириш-у, қай вақтда суғориш кераклигини ва бошқа шунга ўхшаган ишларни пухта ўргатишлари керак.

Агроном **Комилжон Азимов** Акром Додабоевнинг гапини маъқуллади:

— Бизнинг колхозимизда шундай қилиняпти. Бригадирлар тюпкочи звено бошлиқларига деҳқончилик илмини миридан-сиригача ўргатишяпти. Механизатор буларнинг тажрибасини тўла эгаллаб олганидан кейин бригадаларни ҳам тугатамиз.

— Кези келганда мен яна бир гапни айтиб ўтмоқчи эдим,— деб гапида давом этди Акром Додабоев, — кўпчилик хўжалигимизда шундай бир ёмон одат бор, кадрлар ҳа деб алмаштирилаверилади. Бу ўсишимизга тўсқинлик қиладиган нарса. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг. Бир одам бригадагами, звеногами бошлиқ қилиб тайинланади. Бир-икки йил ишлар-ишламас у ўша ернинг шароитини яхши тушуниб олади ва ишни шунга қараб ташкил этабошлайди. Кейин ўша одамни у ердан олиб, бошқа жойга ишга юборишади. Унинг ўрнига келган бошқа одам яна бир-икки йил маҳаллий шароитни ўрганиш билан овора бўлиб қолади.

Марҳум Назарали ота Ниёзовнинг гаплари ҳали-ҳали эсимдан чиқмайди. Мен у кишининг олдига тез-тез бориб турардим. Назарали ота менга шундай дерди: «ўғлим, мен ўз еримни беш қўлимдай биламан. Кўп йиллардан бери шу ерда ишлаётганлигим учун пайкалларимнинг ҳар бир қаричи менга таниш. Масалан айтай, бир ерга вильт касали ёпишади. Мен буни анча олдиндан биламан. Касалликнинг олдини олиш учун керакли чораларни кўраман. Агар вильтни ўн кун кечиктирсам ҳам, ҳар туп ғўзамда учтадан ортиқча кўсакни тўплайман. Ҳар кўсакнинг пахтаси айтайлик беш граммдан бўлса, учта кўсакнинг ўн беш грамм бўлади. Бир гектарингизда юз минг туп кўчат бўлса, қўшимча равишда 15 центнер ҳосил олинади, деган гап бу. Шунинг учун, ўғлим, айтмоқчиманки, ҳар бир деҳқон ўз ерининг шароитини яхшилаб билиб олиши керак. Шунда у ҳеч қачон панд емайди...»

Назарали отанинг бу гапларига асосланиб шуни айтмоқчиманки, ўртоқлар, кадрларни танлашда талабчан бўлинг. Улар ўқимишли, уддабурон, ишбилармон бўлсин. Қўйган жойингизда ҳар қандай ишни эплаб кетадиган бўлсин.

Матбуот конференцияси қатнашчилари булардан ташқари яна жуда кўп масалалар хусусида гаплашиб олишди. Илғор тажрибаларини бир-бирлари билан ўртоқлашишди. Биз хулоса қилиб айтмоқчимизки, областимиз деҳқонлари ҳамма вақт ишнинг кўзини билиб иш юритсалар, илғорлар қўллаётган тажрибаларни пухта ўрганиб олсалар хирмонлари тобора баракали бўлаверади. Республикамиз пахтакорларининг яқинда бўладиган қурултойида ўтган йилги ютуқларга якун ясалади, бу йилги вазифаларни қандай бажариш кераклиги маслаҳатлашиб олинади. Областимиз пахтакорлари ҳам ўтган йили босиб ўтилган йўлга бир назар ташласалар, уйнинг яхши томонларини ўзларига олиб қолиб, ёмон томонларини йўқотишга ҳаракат қилсалар жуда соз бўлади. Негаки, йил йилга ўхшамайди. Утган йили куз деҳқоннинг кўнглидагидай келган экан, балки бу йил сал бошқачароқ бўлиши мумкин. Шунинг учун деҳқончиликдаги ҳамма ишларни шароитга мос келадиган қилиб ўтказиш зарур. Шундагина областимиз пахтакорлари ҳосилдорликни тобора ошира боришлари мумкин.

Усмон ЖОНГИТОВ,
Шухрат ШОРАҲМЕДОВ.

ЖАҲОН ЯНГИЛИКЛАРИ

АҚШНИНГ АГРЕССИЯСИГА ҚАРШИ

Польша Халқ Республикасининг ҳукумати баёнот эълон қилиб, Қўшма Штатларнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши қилаётган қуролли ҳаракатларини, шунингдек американликларнинг Жанубий Вьетнамда кўп йиллардан бери давом қилиб келаётган қуролли интервенциясини кескин қоралади.

Барча социалистик мамлакатлар ва тинчлик сиёсатини ўтказаётган бошқа давлатлар каби Польша Халқ Республикаси ҳам дейилади баёнотда, Вьетнам халқининг мустақиллик, озодлик ва тинчлик учун олиб бораётган адолатли курашқ билан ўзининг бирдам эканлигини билдиради.

АҚШнинг Вьетнам Демократик Республикасига қарши агрессив ҳаракатлари муносабати билан Руминия Республикасининг ҳукумати баёнот эълон қилди.

Руминия Халқ Республикасининг ҳукумати, дейилади баёнотда, Вьетнам Демократик Республикаси ҳукуматининг шу йил 8 февралдаги баёнотида айтган ҳаққоний талабларини қатъий равишда қувватлайди ва АҚШ ҳукумати агрессив ҳаракатларни дарҳол тўхтатиши мутлақо зарур, деб ҳисоблайди. (ТАСС).

ИНДОНЕЗИЯ ПОРТЛАРИДА СОВЕТ БАЙРОҚЛАРИ

ЖАКАРТА, 13 февраль. (ТАСС). Совет Иттифоқининг иштироки билан Индонезияда қурилаётган янги иншоотлар учун ўнта совет кемаси керакли буюмларни ортиб Жакарта портига келди. Бу кемалар Чилегондаги металлургия заводи учун пўлат конструкциялар, Чилачапдаги суперфосфат заводи учун бинокорлик материаллари, Серпонгдаги атом реактори учун энг янги техника уснуналари келтирди.

Кемаларнинг юклари тез бўшатиб олинмоқда. Бир неча кундан кейин бу совет кемалари Индонезиядан сотиб олинган каучук, қалайи, кофе, қора муручларни ортиб Совет Иттифоқига жўнайди.

Бирма Иттифоқининг 18 йиллиги

РАНГУН. (ТАСС). Бундан 18 йил муқаддам, 1947 йил 12 февралда, Бирмадаги турли элатлар вакилларининг Панлонда тўпланган конференцияси Бирма Иттифоқи тузилганлигини эълон қилди. Мамлакат бирлигининг символи бўлиб қолган шу кун ҳар йили Бирма Иттифоқи халқларининг қардошлик, ҳамкорлик ва дўстлик байрами тариқасида нишонланади.

Бирма миллий озодлик ҳаракатининг йўлбошчиси генерал Аунг Сан революцион кенгаш миллий сиёсатининг негизини белгилаб берди. Революцион кенгашнинг баёнотида айтиладики, мамлакатдаги барча элатларнинг қардошлиги ва бирдамлиги Бирма Иттифоқини яхлит, мустаҳкам ва равнақ топаётган давлатга айлантириш учун энг муҳим ва асосий шартдир.

Бу йил байрамни Колҳулай давлатининг пойтахти Пхаванда ўтказишга қарор қилинди. Бирма Иттифоқидаги ҳамма элатларнинг делегациялари байрам тантаналарида қатнашиш учун шу шаҳарга келишди.

Газеталар байрамга аталиб чиройли қилиб чиқарилди, мамлакат халқларининг ўз мустақиллиги учун биргаликда олиб бораётган кураши тўғрисида газеталарга катта иловалар қўшимча қилинди.

ЖАНУБИЙ ВЬЕТНАМ ПОЙТАХТИДА ПАРОКАНДАЛИК

БОНН. (ТАСС). «Зюддейче цейтунг» газетаси ўзининг Сайгондаги мухбири юборган маълумотларга асосланиб ёзади: Сайгонда бамисоли ёнар тоғ устида типирчилаб турибди» деган сарлавҳа остида босиб чиқарди. Мақолада ҳозир Жанубий Вьетнам пойтахтидаги сиёсий ва иқтисодий парокандалик тасвирланади. Ҳарбийлар ва сиёсатчилар мансаб учун курашаётган бир пайтда, деб ёзади мухбир, Сайгонда анархия ва тартибсизлик авж олмоқда. Кўча ҳаракатида ҳеч қандай тартиб йўқ. Савдогарлар ва лотерея билетларини сотувчилар йўлкаларни эгаллаб олганлар. Гадой болалар ва чўлоқлар ўткинчиларнинг йўлини тўсиб, тиламчилик қилмоқдалар, қаҳвахоналар ва ресторанларга кириб гадойчилик қилмоқдалар. Шаҳар марказидаги чўтаккесар ўғрилар билан тўлиб кетди. Ҳамма жойда Американдан келтирилган сигаретлар сотилмоқда. Мухбирнинг айтишича, қараганда, чайқов бозорида Американинг доллар пули расмий белгиланган нархдан икки баравар кўп нарх билан маҳаллий пулга ошкора равишда айирбошланмоқда.

Мақолада айтиладики, Ҳиндихитойдаги урушда французлар мағлубиятга учрагандан кейин Сайгонда қандай лоқайдлик ҳукм сурган бўлса, ҳозир ҳам шаҳарда шундай лоқайдлик ҳукм сурмоқда. Озиқ-овқат молларининг нархи жуда кўтарилиб кетди. Озиқ-овқатларни ва спиртли ичимликларни Сайгонга махфий йўллар билан келтириб, шаҳарда бемалол спекуляция қилаётганлар кўп.

Кечалари, деб ёзади мухбир, Сайгон шаҳрининг чеккаларида ўқлар отилиб туради, шаҳар тепасида самолётлар учиб юради, узоқдан эса тўпларнинг гумбирлаган товуши эшитилиб туради. Генераллар яна навбатдаги ҳарбий тўнтариш тайёрлаётир, деган овозалар ҳозир шаҳарда тарқалмоқда, дейилади мақоланинг охирида.

ЖУРНАЛИСТ ҲАЙДАБ ЧИҚАРИЛДИ

Америка журналисти Клейман министр-координатор Руслан Абдилғаниийнинг резиденциясидан ҳайдаб чиқарилганлиги Жакартадаги журналистлар доирасини ғайратда қолдирди. Клейман президент Сукарнони АҚШга нисбатан «нонкўрлик» қилди, деб айблаб, Индонезиянинг сиёсатини масхара қилган эди. У, Индонезия «ахир бир нун Сэм амаки олдида тиз чўкади», деб таҳдид қилган эди. Шунинг учун ҳам Клейманнинг ҳайдаб юборилганлиги табиий бўлди. Лекин у ўжарлик қилди, шундан сўнг уни зўрлаб нуйиб чиқаришга тўғри келди.

—ИШЛАБ ЧИҚАРИШГА

лар капитал ремонтдан чиқарилди. Корхоналарда 50 та кир ювиш машинаси ўрнатилди, 290 та газ сув тайёрлайдиган сатуратор установкаси ва цехларда, шунингдек корхоналарнинг ҳовлиларида 300 та фонтанча ўрнатилди.

Корхоналарнинг территорияларидаги қўплаб йўл ва йўлкалар асфальт қилинди. 370 минг туп дарахт ва турли-туман гул кўчатлари экилди. Машиналарни ювиш тартибга келтирилди.

Жамоат кўриги даврида ишлаб чиқаришга жорий этилган таклифлар, дастлабки ҳисобларга қараганда, область халқ хўжалигига ўнларча миллион сўмлик қўшимча фойда келтиради ҳамда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот таннархини камайтириш имконини беради.

Бекобод металлургия заводида ишлаб чиқариш маданиятини кўтариш, саноат эстетикасини жорий этиш масалалари билан узоқ вақт шуғулланишди. Бироқ маъмурий йўл билан бу ишни амалга оширишнинг иложи бўлмади. Коллектив бош қўшди-ю, иш осон кўчабошлади. Барча ишчилар, инженер-техник ходимлар саноат эстетикасини жорий қилиш масаласи билан шуғулланадиган бўлиб қолдилар. Ўтган йил бошларида корхона партия-хўжалик ва касаба союз активи йиғилишида ишлаб чиқариш маданиятини яхшилашга қаратилган асосий йўналишлар кўриб чиқилди ва белгиланди. Техникани тўхтовсиз тараққий эттириш, прогрессив технология усулларини жорий этиш, маҳсулот сифатини яхшилаш асосий мақсад қилиб олинди. Ремонт маданияти, асбоб-ускуналарни бўяш, маиший биноларни тартибга келтириш, чиройли ва қулай иш қийими жорий этиш тўғрисида ҳам ўйлашди.

Бу ишларга раҳбарлик қилувчи умумзавод совети тузилди. Унга корхона директорининг ўзи бошчилик қилди. Советга партия комитети, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг вакиллари, цех ва бўлим бошлиқлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари аъзо бўлиб кирдилар.

Советга 240 та таклиф тушди, шулардан 200 дан ортиғроғи жорий этилди. Таклифлар ҳамон қўплаб тушмоқда. Кўрилган тадбирлар кўп ўтмай ўз самарасини кўрсата бошлади. Ҳозир корхонада бўлсангиз, ҳавасингиз келади. Ҳаммаёқ озода, тартибли. Прокат ва мартен цехларида катта ўзгаришлар рўй берди. Бир сўз билан айтганда иш маданияти анча юксалди. Шу боисдан завод коллективи ўз социалистик мажбуриятини ҳамиша ортиғи билан ўринлатмоқда.

Тошкент трактор-йигув заводида сўнгги пайтларда ишлаб чиқариш маданиятини яхшилашга қаратилган маълум ишлар қилинди. Кўпчилик цехлар озода ва чиройли бўлиб қолди. Тошкент тўқимачилик комбинати, «Ташавтомаш» ва Октябрь революцияси номли заводларда ҳам бу соҳада сезиларли силжиш рўй берди.

Юксак ишлаб чиқариш маданияти учун бошланган ҳаракат вақтинчалик эмас. Барча корхоналар ва қурилишларнинг раҳбарлари юксак меҳнат унумдорлигига эришиш ва ишлаб чиқариш маданиятини ошириш учун доимо ғамхўрлик қилишлари зарур.

Область партия комитети ва область касаба союзлари совети республика Халқ хўжалиги кенгаши билан биргаликда жамоат кўриги натижалари асосида 15-16 февралда семинар-конференция ўтказишга қарор қилдилар. Бу семинар-конференцияда корхоналар ва қурилишларда техника эстетикасини жорий қилиш масаласи билан шуғулланаётган советлар, комиссияларнинг раислари, корхоналарнинг раҳбарлари ва бош инженерлари, илмий-тадқиқот, лойиҳалаш институтлари, конструкторлик бюроларининг мутахассислари, партия ташкилотларининг секретарлари, фабрика-завод касаба союз комитетлари раислари иштирок этмоқдалар ва ўзаро тажриба алмашмоқдалар. Бу йиғилишга Москва, Рига, Ленинград ва мамлакатимизнинг бошқа йирик шаҳарларидан саноат эстетикаси бўйича мутахассислар ҳам келишди.

Семинар-конференцияда назарий, илмий ва ташкилий масалаларнинг муҳокама этилиши мутахассисларга, хўжалик ва касаба союз ташкилотларининг раҳбарларига саноат эстетикасини ва ишлаб чиқариш маданиятини бундан кейин ҳам изчил юксалтиришда, лойиҳалаш ва конструкторлик бўлимлари ишини яхшилашда кўп янгиликлар беради, тажрибаларни умумлаштиради. Бу соҳада областимизда дастлабки қадам қўйилди. Лекин ҳали қиладиган ишимиз тўлиб-тошиб ётибди. Шу сабабли техника эстетикаси масалаларига раҳбарлик қилиш мақсадида ва корхоналарга зарур ёрдам кўрсатиш учун Халқ хўжалиги кенгашининг техника-иқтисодий Совети ҳузурида бадиий-техника секциялари тузилса, яхши бўлур эди. Бундай бадиий-техника секцияларига инженерлар, врачлар, рассомлар ва архитекторларни жалб қилиш зарур.

Ишлаб чиқариш маданияти ва техника эстетикаси масаласи биздан кишиларнинг эҳтиёж ва дидларига қараб иш тутишни талаб этади. Биз кишиларга шундай шароит яратиб беришимиз керакки, бундай шароитда меҳнат унуми ҳам, техника-иқтисодий кўрсаткичлар ҳам юқори бўлсин.

А. БРАИЛОВ,
Тошкент область касаба союзлари Советининг секретари.

РЕДАКЦИЯ ПОЧТАСИДАН

КЕКСАЛАР ХУРСАНД

Барча оталар қатори Юқори Чирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг «Коммунизм» участкасида яшовчи мўйсафидлар ҳам партия ва ҳукуматимизнинг кўрсатаётган юксак ғамхўрлигидан мамнун. Биргина «Коммунизм» участкасида яшовчи 156 мўйсафид давлатдан қарилик пенсияси олишяпти. Бундан ташқари колхозда қария оталарнинг маданий дам олишлари учун ҳамма шарт-шароитлар яратиб берилган. Улар қарилик гаштини сурриб ҳузур-ҳаловатда яшамоқдалар.

И. Холтурсунов.

ИҒЛОВЧИЛАРГА ҚУЛАЙЛИК

Яқиндан бошлаб «Красный водопад» экспериментал базаси билан «Ташавтомаш» заводи ўртасида автобус қатнайбошлади. Бу меҳнаткашларга катта қулайлик туғдирди.

ЯНГИ МАГАЗИН

Оржоникидзе районидаги «Ленинград» колхозида янги магазин очилди. Унинг сотувчилари харидорларга намунали хизмат кўрсатишмоқда.

А. Қорабоев.

ЛЕНИНГРАД ЦИРКИ АЛИМКЕНТДА

Оққўрғон район Алимкент қишлоғидаги пахта заводи клуби ўтган ҳафта айниқса гавжум бўлди.

Бу ерда Ленинград шаҳридан келган бир группа цирк артистлари қишлоқ меҳнаткашларига ўз санъатларини намойиш қилдилар. Ленинградлик меҳмонларнинг кўрсатган ўйинларидан томошабинлар жуда хурсанд бўлишди.

Н. Тўфонов.
ўқитувчи.

ИШЧИЛАР МАМНУН

Бекобод районидаги 3-«Далварзин» совхозининг 3-бўлимида янги магазин қурилиб фойдаланишга топширилди. Магазиндан ҳархил озиқ-овқат ва саноат моллари харид қилиш мумкин. Бўлим ишчилари яратиб берилган бу қулайликдан хурсанд бўлишмоқда.

А. Эгамқулов.
ўқитувчи.

РАДИОУЗЕЛ ИШГА ТУШДИ

Оққўрғон районида янги радио узел қурилиб ишга туширилди. Радио узелга янги маркали аппарат жойлаштирилган. Бу янги радиоузел район марказига, Октябрь қишлоғи аҳолисига хизмат қилади.

М. Канзафаров.
«Союзпечать» ходими.

КИЧКИНТОЙЛАРГА ТУҲФА

Олтинкўл кўчасида қад кўтарган ҳашаматли янги бинода бир неча кундирки, кичкинтойларнинг кулгуси, шўх музика садолари янграй бошлади. Болалар боғчаси ва ясли учун кичкинтойлар ғ а туҳфа этилган бу бинода 16 та ҳар хил хона бор: овқатланиш заллари ва методика, врач кабинетлари жуда қулай ишланган. Ҳаммадан ҳам болаларнинг ором олиб ухлашлари учун мўлжалланган хоналар, қўшиқ айтиб, ўйинга тушадиган музика залларини айтмайсизми. Ҳамма-ҳаммаси нўркам. Бу ерда эркатойларнинг тарбияси учун барча шароит яратилган.

Бу ажойиб боғчада Ленин районидаги меҳнаткашларнинг 140 дан ортиқ фарзанди тарбияланмоқда.

И. Рустамов.

ҚИЗИҚАРЛИ КЕЧА

Ўтган ҳафта ТошДУ шарқ ва филология факультетларининг актлар зали студентлар билан гавжум бўлди. Университет адабиёт тўгараги ташкил этган бу кечада филология фанлари кандидати, доцент Озод Шарафуддинов адабий танқидчилик ҳақида қизиқарли суҳбат ўтказди. Адабий танқидчилик ихлосмандлари суҳбатни диққат билан тингладилар.

М. Латипов.

ЭШИТГИМИЗ КЕЛАДИ

Ҳозирги кунда радио овози янграмаётган бирон қишлоқни тасаввур этиш қийин, албатта. «Партия XX съезди» колхозида радиоузел қурилиб ишга туширилганига мана, ўн йил бўлиб қолди. Лекин «Қирғизовул», «Қозоқовул» ҳамда 2- ва 3-участкалардаги кўпгина хонадонларда радио тоҳчалари йўқ. Улар ҳам ҳаётимизда юз бериб турган кундалик хушхабарлар, жозибали музика садолари ва дилором қўшиқларни эшитиб, ишдан сўнг маданий ҳордиқ чиқаришни ҳавас қиладилар. Бироқ бу муҳим масалага колхоз раҳбарлари яхши эътибор беришмаяпти.

Биз ҳам радио овозини эшитгимиз келади.

Н. Исматов.

ТАРТИБ ЎРНАТИЛСИН

Биз қишлоғимизда гурунглашиб дам оладиган жойнинг бунёд этилишини кўпдан орзу қилардик. Ўтган йили Қўшқўрғонда шундай бино қад кўтарди. Орзумиз ушалди деб жуда хушнуд эдик. Аммо хурсандчилигимиз пучга чиқди.

Бинода бирйўла чойхона, ошхона ва буфет иш бошлади. Буфетда спиртли ичимликлар баралла қуйиб сотиларди. Қишлоқнинг баъзибир беодоб ёшлари буфетдан «киттак» отиб, кайфини чойхонада суришадиган бўлди. Шундан кейин, кексалар чойхонага киришни йиғиштириб қўйишди. Бу ердаги тартибсизликни бартараф этишга на колхоз правлениеси, на қишлоқ Совети эътибор беради.

И. Орипов, М. Содиқов,
Х. Турдимуродов, И. Отамуродов,
Оржоникидзе район, «Ленинград» колхозининг кексаларн.



Пойтахтимиздаги 81-мактабнинг ёш табиатшунослари севган ишлари билан йил давомида шуғулланадилар. Баҳордан кеч кузгача мактаб участкасида, қишда эса ўз теплица хўжаликларида ишлайдилар. Суратда: 6-синф ўқувчиси Саломат Қамбариддинова теплицадаги лимонларни кўздан кечирмоқда.

Х. Ҳайитмуҳамедов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

МАҲФИЙ СИР

(ҲАЖВИЙ ҲИКОЯ)

□ □ □

В. ВАСИЛЕНКО

Район маданият уйида колхоз раислари назарий конференцияга йиғилишди. Уни райижроком раиси Стульчиковнинг ўзи очди.

Стульчиков ўтказилаётган тадбирнинг аҳамияти ҳақида кириш нутқини қотириб сўзлагандан кейин, тантанали суратда эълон қилди:

— Сўз «Янги турмуш» колхозининг раиси ҳурматли ўртоқ Ма...— Стульчиков шошилиб рўйхатга қараб олгач, ишонч билан сўзини тугатди: — Бабочкинга!

Кўриниши мўъжазгина, қўлтиғига семиз папкани қистириб олган кўзойнакли киши минбарга жиддий қиёфада кўтарилди.

— Қани, Бабочкин, — дея уни рухлантирди райижроком раиси,— колхозни қандай қилиб юксалтирганинг ҳақида гапир.

— Кечирасиз, мен Бабочкин эмас, Мамочкинман.

— Мен ҳам айтаяпман-ку, Ба... Мамочкин деб, — қатъиятсизлик билан ўз хатосини тузатди Стульчиков ва шошилиб қўшимча қилди:

— Бошлайбер, Мамочкин. Хўжаликка қандай раҳбарлик қилаётганингнинг сирларини ошкора айтиб бер, оғайни.

— Айтиш, албатта, мумкин — шайланган ҳолда жавоб берди Мамочкин. — Аммо, бизнинг раисимиз Бабочкин-ку!

Стульчиков тамомила гангиб қолди.

— Ҳеч нарсага тушуна олмай қолдим — тўнғиллади у ва тўсатдан столни зарб билан муштлади. — Бўлмаса сиз ким бўласиз? Сизни ким минбарга таклиф этди?

— Правление мени вакил қилган — совуққонлик билан тушунтирди Мамочкин. — «Жамият учун жафо чек, Николай Ефимович. Ҳисобчилар бизда кўп, раис бўлса бир киши. У бўлмаса колхоз қўл-оёқсиз бўлиб қолади» дейишди. Иш манфаати учун рози бўлдим. Бўлмаса ҳеч ҳам кўнмас эдим.

Президиумда ўтирганлар саросимага тушиб қолишди. Ҳисобчи шу аснода гапга ириширишб кетди:

— Хотинлар сабр-тоқатли бўлишига қарамай, менинг хотиним аллақачон вайсай бошлади. «Сен Никола,— дейди у, — ҳақиқий бошлиқ бўлиб қолдинг. Уйдан бутунлай воз кечдинг. Бунга қачон хотима берилади?» Ҳақиқатан тўғри, нақ ярим йил сафарда юрарканман. Аввал қийинроқ бўлди, ҳозир бўлса ёмон эмас, кўникиб қолдим.

Залдагилар завқ билан кулишиб юборишди.

— Бас! — унинг сўзини бўлди Стульчиков. — Сенинг Бабочкининг билан алоҳида гаплашаман. Сен-чи, Мамочкин, агар уддасидан чиқсанг, колхозни қандай қилиб юксалтирганлари ҳақида гапириб бер.

— Мен нимани изоҳлаяпман! — таажжубланди Мамочкин. — Мен айтяпман-ку, аввалига енгил бўлмади. Ҳар куни гоҳ районга қатнайминз, гоҳ орқага. Охирида ўралашиб қолдик. Ҳа, Бабочкинга раҳмат, у йўл кўрсатди. «Нима қиласан, Ефимич, — деди у, — орқага қайтиб! Район марказидан биронта хонани ижарага олиб, у ерда доимий яшайвер. Сен ҳар хил мажлисларда колхозимизнинг фавқулодда вакили бўласан».

— Тўғри, фавқулодда вакил бўлиб қолгач, ишлар бошқача бўлди, — жилмайди Мамочкин ва жиддий қиёфада ўз сўзига якун ясади: — Мана, сизларга маҳфий сирнинг ҳаммаси! Гап меҳнатни тақсимлашда: Мен, демак, мажлисларда вакилман, раис бўлса эндиликда кўпроқ хўжалик ишлари билан шуғулланади... Шу асосда колхоз юксалиб кетди.

Залда қарсаклар узоқ вақт тинмади. Фақат Стульчиков қарсак чалмади.

Русчадан Т. Маҳмудов таржимаси.

ЯШНАЁТГАН КОЛХОЗ

Оржоникидзе районидаги «Октябрь» колхозининг қиёфаси йил сайин ғўзаллашиб боряпти. Кейинги йилларда қурилган болалар боғчаси, гараж, трактор парки ва мактаб колхоз марказининг кўрки бўлиб қолди. Шунингдек райондаги «Ленинград» колхози ҳам обод бўлиб бормоқда. Колхозда типовой ошхона ва 40 точкали телефон автомати ҳам ишга туширилди. Телефон точкалари дала шийпонлари, қорамол фермалари ва трактор паркларига ўрнатилди.

С. Мирзаалиев,
Т. Рўзиматов.

ЯНА БИР ХАЛҚ ТЕАТРИ

Қўйлиқ маданият уйидаги халқ театрининг репертуарлари бойиб бормоқда. Театр коллективи шу кунгача У. Умаровнинг «Ҳақ йўл», З. Фатхуллиннинг «Ёшликда берган кўнгил», Ҳ. Ҳ. Ниёзийнинг «Заҳарли ҳаёт», «Туҳматчилар жазоси» каби драмаларини саҳналаштириб, томошабинларга манзур қилди. Ҳозирги кунда театр коллективи Ҳамза Умаровнинг «Тонг фарзандлари» ва К. Яшиннинг «Нурхон» драмаларини саҳналаштириш учун қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Спектаклда ролларни совхоз ишчилари, мактаб ўқувчилари, бинокорлар, маданий-оқартув техникумининг студентлари ижро этмоқдалар.

И. Ўринбоев.

КОЛХОЗЧИЛАР МЕҲМОНИ

Республикада хизмат кўрсатган артистлардан Суръат Пўлатов, Тамара Назарова,, солистлардан Замирахон Бурнашева, Нурхон Тошкенбоева, Бутуниттифоқ ёшлар фестивалининг лауреати Анвар Рустамов каби санъаткорлар колхозчиларнинг меҳмони бўлдилар. Бўка районидаги «Ленинизм» колхозининг аъзолари тошкентлик санъаткорлардан ғоят миннатдор бўлишди.

Ў. Иўлдошев.

СОФДИЛЛИК

Шофер Холдор Аъзамов машинасини ҳайдаб кетаётганида йўлдан бир тўп сатин топиб олди ва унинг эгасини қидиришга тушди. Маълум бўлишича, бу сатин Юқори Чирчиқ районидаги 11-магазинга қарашли экан. Сатин магазинга қайтариб берилди. Аъзамов бундан бир неча кун илгари ўз машинасида қолиб кетган 25 сўм пулни ҳам эгасига қайтариб берган эди.

Юқори Чирчиқ районидаги 121-автобазанинг шофери Холдор Аъзамов ишчанлиги, софдиллиги туфайли катта ҳурмат қозонмоқда.

Э. Исҳоқов.

ШАҲАР ТРАНСПОРТИ ИШИНИ ЯХШИЛАЙЛИК

Кейинги йилларда Тошкент жамоат транспортида чинакам буюк ўзгаришлар рўй берди. 12 трамвай, 9 троллейбус, 50 тадан ортиқ автобус маршрутидаги транспорт кунига шаҳар кўчаларида бир миллион 200 минг пассажир ташимоқда. Бу эса 1913 йилга нисбатан 16 марта кўп демакдир. Йилига 400 миллиондан ортиқ ташилаётган пассажирларнинг 40 проценти трамвайга, 42 проценти автобусга ва 18 проценти троллейбусга тўғри келади.

Тошкент магистрал кўчаларининг узунлиги 1000 километр бўлиб, шундан 250 километри транспорт маршрутлари билан таъминланган. Унинг 61 километри трамвай, 46 километри троллейбус ва 143 километри автобус маршрутига тегишли. Троллейбусда пассажир ташиш энг озода, арзон ва қулай бўлишига қарамасдан, Тошкентда транспортнинг бу тури тез ривожланмаётир. Ўтган йили ҳаммаси бўлиб икки юзга яқин троллейбус ишлади, холос.

Йўловчиларга қулай бўлсин учун шаҳар жамоат транспортини ҳозирги замон талабига мослаштириш керак. Бу проблемани ечишни партия Программаси вазифаларидан, эришган тажрибалардан ахтаришимиз керак. Бу муаммони ҳал этиш техника, аҳоли сони, аҳолининг транспортдан фойдаланишининг ортиши, тезлик кабиларни ўз ичига олади.

Шаҳар транспорти малакали кадрлар билан тўла таъминланмаган. Буни қуйидаги мисолда ҳам кўрса бўлади: электр транспортида 86 кишидан бири, автомобиль транспортида 46 кишидан бири олий маълумотли мутахассис. Ваҳоланки шаҳар хўжалигининг ҳамма тармоқларида ишлаётган 7 кишидан бири олий маълумотлидир. Автомобиль транспортида банд бўлганларнинг кўплари тез-тез иш жойини алмаштирадилар. Узоқ муддат билан доимий ишлаётганлар жуда кам. Бу ҳол анчагина автобусларнинг ноўрин бекор туриб қолишига олиб келмоқда.

Кейинги юз йил ичида Тошкент шаҳрининг майдони 1600 гектардан 16000 гектарга, шаҳар аҳолиси бир миллион кишига кўпайди. Корхона ва ташкилотлар тез ўсди. Аммо буларнинг ҳаммасини ҳам мақсадга мувофиқ, ихчам ва қулай жойлаштирилган деб бўлмайди.

Шаҳардаги ҳамма пассажирларнинг 44 проценти ички маъмурий районлар чегарасида, 29 проценти марказда ва марказ билан районлар орасида, 9 проценти марказ орқали районлараро диаметриаль алоқада ва 18 проценти шаҳар атрофидаги районлар (марказсиз) орасида ташилаётир. Кўпчилик корхоналар, ташкилотлар, институт ва техникум, илмий, лойиҳа ташкилотлари, маъмурий идораларнинг марказда жойлашганлиги транспорт хизматини қийинлаштириб қўймоқда.

МУЛОҲАЗА ТАРИҚАСИДА

Аҳолининг моддий ва маданий таъминотидаги айрим кичик нуқсонлар ҳам транспорт проблемасини мушкуллаштираётир. Шаҳар четларида телефон, ҳаммом, дорихона, почта, ошхона, магазинларнинг етишмаслигидан меҳнаткашлар транспорт билан марказга боришга мажбур бўлмоқдалар. Масалан, кабелчилар шаҳарчасида битта ҳам автомат телефон, ҳаммом йўқ. Почта, дорихона, ошхона кеч соат 6 гача очиқ, якшанба кунлари ишламайди. Аҳолининг асосий таъминоти албатта марказ билан боғланганлигидан транспортга зўр келяпти.

Доҳий В. И. Ленин ишчи-хизматчилар моддий фаровонлиги ҳақида ва уларнинг иш вақтини тежаш борасида бундай деган эди: «Ишчи ишлаб чиқариш, машиналар, темир йўллар, телефонлар—буларнинг ҳаммаси уюшган ишчиларнинг иш вақтини тўрт баравар камайтириб, уларнинг ҳозиргидан кўра тўрт баравар яхши кун кечириши учун беҳисоб имкон беради» (Асарлар, 20-том, 155-бет, 1952 йил).

Тошкентда йилига 8 миллион ёки ҳар куни 22 минг киши ҳаммомга тушади. Буларнинг кўпи марказга қатнайди. Транспорт ҳамда ҳаммом шунинг учун ҳам дам олиш кунининг ярмидан кўпини олмоқда.

Шаҳарда оммавий пассажир транспортининг фойдали коэффициенти камлигига, аҳолини тўла таъминлай олмаётганлигига йўл сифатининг, транспорт воситалари ремонт базасининг талабга жавоб бермаслиги, кўчаларнинг торлиги ва эгри-бугрилиги сабаб бўлаётир. Маршрутлардаги остановкалар бир-бирига яқин ва бурилиши кўп. Масалан, Дизельная, Санъат музейи, Райисполком ва Театральная трамвай остановкаларини олиб кўринг. Уларнинг оралиғи жуда ҳам яқин. Бундан ташқари шаҳар четларидаги транспорт линиялари ўзаро боғланмаган, трамвай йўлининг кўпчилиги тор изли, бир изли жойлари ҳам бор.

Транспорт иши тутунни, газни, чангни камайтириш каби муҳим проблемалар билан ҳам боғлиқ. Тошкент кўчаларининг кенгайиши, асфальтланиши натижасида чанг камайган бўлса-да, ҳали у гигиена нормасидан юқори. Шовқин меҳнаткашларнинг нормал ҳаёт кечиришларига ҳалал беряпти. Трамвайни марказдан четроқ қа олиб, катта магистрал кўчаларнинг ҳаммасида троллейбус қатнови ташкил этилса, шовқин, газ ва тутундан халос бўлардик. Машиналар учун тутунни ва шовқинни ушлаб қоладиган мосламани ишлаб чиқариш ва ундан шаҳарда фойдаланишни мажбурий қилиб қўйиш лозим.

Тошкент шаҳри осмонидан Москва, Ленинграддаги каби самолёт учишини тўхтатиш керак. Бунинг учун аэропортни шаҳардан ташқарига чиқариб юбориш ёки янги аэропорт барпо этиш талаб қилинмайди. Бунда қўнаётган самолётларнинг шаҳар устидан эмас, балки унинг чеккасидан айланиб тушиши талаб қилинади, холос.

Ҳозирги автобусларни учта группага бўлиб ишлатиб кўрсак ёмон бўлмасди. Бунда бир группа автобус ҳозирги график билан қатнаса, иккинчиси улар орасидан фақат пассажирлар кўп чиқиб тушадиган катта остановкаларда тўхтаб ўтса, учинчиси экспресс билан (аммо тез-тез эмас) қатнаши мумкин. Бу таклифни амалга ошириш ҳам осон, у ҳеч қандай ортиқча маблағ талаб этмайди, аммо аҳолига қулайлик туғдиради, вақтни тежайди.

Шаҳар транспортидан яхшироқ фойдаланиш йўлларини ишлаб чиқишга жамоатчиликни кенг жалб қилиш керак.

Э. ТОШБЕКОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ишлаб чиқариш кучларини ўрганувчи советининг старший илмий ходими.

БОКС БЎЙИЧА СССР ШАХСИЙ БИРИНЧИЛИГИНИНГ САРАЛАШ МУСОБАҚАЛАРИ

ТОШКЕНТ РИНГГИНИНГ ҒОЛИБЛАРИ

Москва, Ленинград, РСФСР, Украина, Белоруссия, Грузия, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Узбекистоннинг чарм қўлқоп мастерларидан 77 киши пойтахтимизда тўрт кун давомида финалда қатнашиш ҳуқуқини олиш учун саралаш мусобақалари ўтказдилар. Тошкент ринггининг ўн ғолиби якшанба куни бўлган ҳал қилувчи жангларда аниқланди. Бу жанглар кескин курашлар билан бошланди.

Биринчи бўлиб энг енгил вазнли Ҳамид Тиллахўжаев билан ленинградлик В. Ковшов рингга тушдилар. Кураш меҳмоннинг активлиги билан бошланди. Тўғри, Ҳамид учинчи раундда қатъий ҳужумга ўтган бўлса ҳам зарбалар сони жиҳатидан рақибига етолмади. «Жанг» меҳмон фойдасига ҳал бўлди.

Шу куни ҳамшаҳарларимиздан финалда қатнашиш ҳуқуқини биринчи бўлиб Темур Ғуломов қўлга киритди. У Грузия чемпиони Г. Варданян билан мусобақалашди. Рақиблар икки раунд нурашишди. Меҳмон қўполлиги учун жазоланиб, судьялар ўзбек боксчисининг қўлини кўтардилар. Бундан кейинги олишувда республикамиз вакили Бойман Сакенов москвалик Анатолий Малиновскийдан енгилди. Ҳамшаҳримиз «жанг»нинг сўнгида чарчаб қолганлиги туфайли очколар бўйича ютқазиб қўйди.

Иккинчи ярим ўрта вазнда Узбекистон вакили Мирҳасан Каримов билан Украинанинг бир неча марта чемпиони мастер В. Богуславский учрашдилар. Судьялар бу учрашувнинг натижасига баҳо беришда анча қийналишди. Узоқ тортишувдан сўнг ҳалол жанг қилган ўзбек боксчисининг ғалаба қозонганлиги маълум бўлди. Саралаш мусобақасида жуда кучли рақибларни орқада қолдириб ғолиблик ғувоҳномасини олиш биринчи разрядли бу спортчининг катта ютуғидир.

Шундан кейин яна икки спортчимиз ишқибозлар олқишига сазовор бўлди. Бу — тажрибали боксчилар, аввалги йилларда мамлакат биринчилигининг финалида муваффақиятли қатнашган Иосиф Будман ва Анатолий Топчийдир. Биринчи боксчимиз чаккасидан шикастланган бўлишига қарамай, Грузия вакили Борис Затикянни қаттиқ зарбалар бериб енгишга муваффақ бўлди. Анатолий Топчий эса Москва чемпиони Николай Воробьевдан очколар бўйича ус тун келди. Оғир вазнда тошкентлик Ҳолмат Содиқов сўнгги курашсиз финалда қатнашиш ҳуқуқини олди. Шунингдек, Л. Эстрин (Москва), В. Тресвятский (РСФСР), А. Бутко (Украина)лар ҳам Тошкент рингининг қаҳрамонлари бўлдилар.

Шундай қилиб саралаш мусобақалари ўзбек боксчиларининг ажойиб ғалабаси билан якунланди. Ун ғолибдан бештасининг республикамиз вакили бўлганлиги бунинг далилидир. Финалчиларимизга олтин медаллар учун бўладиган ҳал қилувчи жангларда муваффақиятлар тилаймиз.

С. МУСАЕВ.



Суратда: (чапда) биринчи разрядли М. Каримов ва Украинанинг бир неча марта чемпиони мастер В. Богуславский жанги. Бу учрашув ўзбек боксчиси фойдасига ҳал бўлди.

А. Абалян фотоси.

Ўзбек олимлари Покистонда

Узбекистон ССР Фанлар академиясининг вице-президенти, мазкур академиянинг корреспондент аъзоси Е. Х. Тўрақулов ва Урта Осиё сув масалалари ва гидротехника илмий тадқиқот институтининг директори А. З. Зоҳидов совет олимлари билан биргалида Покистонга учиб кетдилар. Улар Умумпокистон миллий конференциясида қатнашиб, Узбекистонда медицина тараққиёти, сув иншоотлари, қўриқ ерларни ўзлаштириш ва сугориш ҳақида сўзлаб берадилар.

А. ИМИНОВ.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

16 ФЕВРАЛДА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

Рус тилида: 18.00 — **Телевизион янгиликлар**, 18.25 — **Дарслик саҳифаларида** (мактаб ўқувчилари учун), 19.00 — **Ҳисоб миллионлаб боради** (саноат ходимлари учун), 19.20 — **Р. Пирмуҳамедов** («Севимли киноартистлар» циклидан), 20.30 — **Эшиттиришлар программаси.**

Ўзбек тилида: 20.35 — **Телевизион янгиликлар**, 20.55 — Ж. Жабборов. **Лирик шеърлар**, 21.30 — **Дўстлик бурчаги** (мультфильм), 21.50 — **Ўқитувчи-депутат** (маҳаллий Советларга сайлов олдидан), 22.10 — **Концерт** (Пойафзалчилар клуби татар бадиий ҳаваскорлар ансамбли ижросида).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

Ўзбек тилида: 18.20 — **Қўли гул болалар** (мактаб ўқувчилари учун), 18.50 — **Тошкент янгиликлари**, 19.00 — **Козара** бадиий фильмининг 1-серияси.

Рус тилида: 20.00 — **Поддубний номли мукофот учун мусобақалар** (Армия клуби спорт залидан), 21.00 — **У—Ленин шогирди эди** (ҳужжатли фильм), 21.20 — **Тошкент янгиликлари**, 21.30 — **Родигин қўшиқлари**, 22.05 — **Боғ-роғлар яратайлик**, 22.25 — **Василий Каменский** (телефильм).

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМЛИ ТЕАТРДА — 16/II да **Биринчи муҳаббат**, 17/II да **Қонли сароб.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА — 17/II да **Кимга тўй, кимга аза.**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — РСФСР халқ артисти **Борис Эдер** раҳбарлигида **«Чавандоз ва арслонлар»** аттракциони ва РСФСР халқ артисти **Рабадан Абакаров** раҳбарлигида **Доғистон «Цовкра» дорбозлари.** Кеч соат 8 да бошланади.

КИНО

Уйқудаги гўзал — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 4 ва кеч 6 яримда).

Ганга ва Жамна (1 ва 2-серия) — «ВАТАН», НАВОИЙ номли, «ЎЗБЕКИСТОН», «ИСКРА», «СПУТНИК» (кундуз ва кечқурун).

Инсон тирик экан — «СПУТНИК» (эрталаб соат 11, кундуз 12 ва 4 да).

КАЛИНИН РАЙОН МАИШИЙ ХИЗМАТ КОМБИНАТИ

ташкилот ва болалар ўйларининг (перечисление тартибида) **ҳамда аҳолининг** (нақд пулга)

эски пахтасини титиб беради

Буюртмачилар материалидан **КУРПА, МАТРАЦ ВА ЕСТИҚ** ТИКИШ УЧУН

ЗАКАЗ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Мурожаат учун адрес: Тошкент область, Оржоникидзе район, Оржоникидзе посёлкаси 1 ва 16-автобуснинг «Ташавтомаш» остановкаси).

«ГЛАВЗАГОТСКОТООТКОРМ» ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ТРЕСТИ

мол боқиш пунктлари ва район конторалари орқали **Тошкентда ва Тошкент области районларида АҲОЛИДАН** амалдаги давлат нархларида

чорва мол сотиб олади

«ГлавзаготскотоотКорм» филиаллари чорва мол сотган колхозчи, ишчи ва хизматчиларга килограмми 6 тийиндан чигит шроти сотади (чорва мол тирик вазнининг ҳар килограммига беш юз грамм ҳисобидан).

Оржоникидзе қишлоғи, Калинин кўчаси, 186-уйда «ГлавзаготскотоотКорм» Тошкент область трестига (телефон 6-15-61, 6-15-04, 6-15-67) ва филиалларига мурожаат қилинсин.

Волгоград кўчаси, 10-б уй, 19-квартирада турувчи **Борис Яковлевич Гольдиннинг** Депутат кўчаси, 5-уй, 2-квартирада турувчи Эда Шнееровна Гольдинадан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Дарҳон кўчаси, 106-а уйда турувчи **Венера Ризаевна Айметдинованинг** 5-Саперний проезд, 1-уйда турувчи Шарифзян Айметдиновдан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Чилонзор район халқ судида кўрилади.

Смольная кўчаси, 8-уйда турувчи **Инна Захаровна Глушченконинг** Тошкент область, Тўйтепа станциясида турувчи Владимир Фёдорович Глущченкодан ажралиш ҳақидаги иши Тошкент шаҳар, Фрунзе район халқ судида кўрилади.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») — Орган Ташкентского обкома, горкома КП Узбекистана, областного и городского Советов депутатов трудящихся.

Бизнинг АДРЕС: Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, 26 уй.

РЕДАКЦИЯ ТЕЛЕФОНЛАРИ: Редактор — 29004, Редактор ўринбосари — 25885. Масъул секретарь — 34808. Идеология, адабиёт ва санъат бўлимлари — 31936. Партия турмуши бўлими — 26232. Саноат, транспорт ва қурилиш бўлими — 33786. Қишлоқ хўжалиги, фан, мактаб ва олий ўқув юртлари бўлимлари — 29040. Совет ишлари, маиший ва шаҳар хўжалиги бўлими — 28761. Ахборот ва спорт бўлими — 33786. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 34048. Эълонлар бўлими — 28142. Коммутатор — 30249 дан 30258 гача.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бирлашган нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Р. 08491. Индекс 64696. Нашр. № В 1699.